

<i>Ташилот номи:</i>	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари
<i>Таркибий бўлишма номи:</i>	Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси
<i>Танлов босқичи:</i>	Сухбат
<i>Савол йўналиши:</i>	Амалиётда кўп учрайдиган муаммоли ҳолатлар (казус) (120 та)

1. Фуқаро Ш.Қурбонов 2014 йил 25 июль куни тахминан соат 21:30ларда ўзи норасмий равишда ишлаб келаётган Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, О.Шарофутдинов кўчаси, 23а-уйдаги “Сатуратет-Бреад” МЧЖ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехида бўла туриб, “Иштаев Бахтиёр” номли қандолат цехининг норасмий ишчиси Бекназаров Парда Бурхонович уни кўйлаксиз юрганлигини айтиб, йўлини тўсиб урганлиги оқибатида ўзаро жанжаллашиб қолиб, П.Бекназаровни қасддан ўлдириш мақсадида ушбу цехдан пичоқ олиб чиқиб, ушбу пичоқ билан қуролланиб, П.Бекназаровни қасддан ўлдириш мақсадида пичоқни П.Бекназаровнинг қорин соҳасига қасддан бир марта уриб, кесиб-санчилган тан жароҳати етказган ва воқеа жойидан яширинган.

Ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 26.07.2014 йилдаги 377-сонли хулосасига кўра “Бекназаров Парда Бурхоновичнинг ўлими қорин олд томонидаги санчилган-кесилган яраси ингичка ичак ва ошқозон жароҳатланиши оқибатида ўткир ташқи ва ички қон йўқотишидан содир бўлганлиги, бу жароҳатлар шу жойларга ўткир, ясси, пичоқ тиғи типидagi санчиб-кесувчи жисм таъсирида ўлимидан олдин-ҳаётлигида етказилганлиги, ушбу жароҳатлар биргаликда етказилган вақтида ҳаёт учун хавфли бўлиб, одатда, тирик шахсларда оғир тан жароҳати белгиларига эга эканлиги аниқланган.

1. Ш.Қурбоновнинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Ш.Қурбоновнинг ҳаракатларида қилимишининг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат мавжудми?
3. Ш.Қурбоновнинг қилмиши учун жазо тайинлаш масалаларини муҳокама қилинг.

2. Б.Умаров 2016 йил 27 апрель куни соат 19:25 ларда Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шифокорлар шаҳарчасида жойлашган “Ал-Фажру” дўкони олдида қариндоши Э.Игамбердиев билан ўзаро келишмовчиликдан келиб чиққан жанжал оқибатида, қўлида бўлган ошхона пичоғи билан унга тан жароҳати етказган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2016 йил 17 майдаги 507-Х-Нор-сонли хулосасига кўра, Э.Игамбердиев қорин олдинги деворини жароҳатлаб кириб, жигар ва ўнг буйракни жароҳатловчи санчилган-кесилган жароҳати, ўнг билан соҳаси кесилган жароҳати каби оғир даражадаги тан жароҳати олганлиги аниқланган.

1. Б.Умаровнинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Б.Умаровнинг ҳаракатларида қилимишининг жиноийлигини истисно

қилувчи ҳолат мавжудми?

3. Б.Умаровнинг қилмиши учун жазо тайинлаш масалаларини муҳокама қилинг.

3. И.Низамов ва Р.Акбаров, шунингдек жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 21.08.2017 йилдаги ҳукми билан Жавобгарликка тортилган Акбаров Жавоҳир ва Акбаров Жавлонлар билан бир гуруҳ шахс бўлиб, 2017 йил 6 май куни соат 13:00ларда Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида жойлашган “Абу-Сахий” МЧЖга қарашли 2-савдо блоки ва умумий овқатланиш шаҳобчаси оралиғидаги майдонда С.Муҳиддинов билан келиб чиққан келишмовчилик оқибатида жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимай, ошхона пичоғи ва карниздан қурол сифатида фойдаланиб, жабрланувчини танасининг турли жойларига уриб, И.Низамов кўлида бўлган пичокни С.Муҳиддиновнинг бўйин соҳасига санчиб, соғлиғининг қисқа муддатли бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказган.

И.Низамов ва Р.Акбаровларнинг ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “е,к” бандлари ва 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан айбланган;

Жиноят иши ҳужжатларида 2017 йил 23 майдаги “С.Муҳиддиновнинг танасидаги жароҳатлар, яъни чап бўйин соҳаси санчилган кесилган яраси, чап бўйин мушагини қисман жароҳатланиши, бўйин соҳаси тери ости гематомаси аниқланиб, оғирлик даражаси бўйича соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати тўғрисида”ги 3365-Х-Пир-сонли ҳулосаси мавжуд.

1. И.Низамов ва Р.Акбаровларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

2. И.Низамов ва Р.Акбаровларнинг ҳаракатларида иштирокчилик масалаларини муҳокама қилинг?

3. И.Низамов ва Р.Акбаровларнинг қилмишлари учун жазо тайинлаш масалаларини муҳокама қилинг.

4. Фуқаро С.Тулқунов 2017 йил 3 май куни Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 44-уй, 76-хонадонда бўла туриб, Суд Департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғининг 2017 йил 24 апрелдаги “Амалий ёрдам бериш учун хизмат сафарига юбориш тўғрисида”ги буйруғига асосан Тошкент шаҳар Олмазор туман ҳудудида коммунал соҳалардаги қарздорликни ундириш юзасидан хизмат вазифаларни бажариб келган Суд Департаментининг Тошкент вилояти Қибрай туман бўлими суд ижрочиси Ш.Султонов ушбу хонадон аъзоларидан иссиқлик энергиясидан мавжуд қарздорликни тўлашни сўраб мурожаат этган вақтида ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш мақсадида, гўёки у тўловни амалга оширганлигини, нима учун уни уйдагиларини тинчини бузишганлигини баҳона қилиб, тўловни амалга оширмаслик учун жанжал қилиб, Ш.Султоновнинг қонуний талабларини бажармасдан, унга фаол қаршилик кўрсатиб, кўли билан унинг юз қисмига бир неча маротаба уриб, тан

жароҳати етказган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2017 йил 18 майдаги 3186-Х-Сул сонли хулосасига кўра, Ш.Султонов бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, юқори жағ суягига синиқ чизигини ўтиши билан бурун суягини синиши, бурун соҳаси шилинмаси, юқори лаб соҳаси юмшоқ тўқимаси лат ейиши каби ўртача оғир даражадаги тан жароҳати олганлиги аниқланган.

1. С.Тулкуновнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
2. С.Тулкуновни жиноят субъекти сифатида муҳокама қилинг?

5. Ходжаев Аббосхон Ахмадович, Курбанов Махамаджон Кадыржанович ва Юнусбеков Ёрқинбек Улмасович бошқа шахс билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктиришиб, 2017 йил 21 февраль куни тахминан соат 19:00 ларда Олмазор туманида жойлашган “Мухташам” номли чойхонага чакиришган Обидов Анвар Рустамджонович ва Эшбаев Искандар Эгамбердиевичларни ўзбошимчалик билан Ё.Юнусбековдан бўлган 650.000.000 сўм қарзларини беришмаётганлиги сабабли, улардан қарзларини тўлаб беришни талаб қилишган, А.Ходжаев, М.Курбанов ва бошқа шахс А.Обидов ва И.Эшбаевга “МР-654К” русумли газбаллонли пневматик пистолет кўрсатиб, ўлдиришлари ҳамда зўрлик ишлатишлари билан кўрқитишиб, И.Эшбаевнинг танасининг турли жойларига уришиб, баданига соғлигининг киска муддатга ёмонлашувиغا олиб келмаган енгил шикает етказишган.

Суд-баллистика экспертизасининг 2017 йил 2 мартдаги 325-сонли хулосасига кўра, Т13503434Н рақамли пистолет “МР-654К” русумли 4,5 мм газбаллонли пневматик пистолет бўлиб, Россия Федерациясининг “ВАЙКАЛ” фирмаси томонидан заводда ишлаб чиқарилганлиги, спорт ва ўқув-тайёргарлик отишлар учун мўлжалланганлиги ва у жанговар қурол ҳисобланмаслиги аниқланган.

1. Ходжаев Аббосхон Ахмадович, Курбанов Махамаджон Кадыржанович ва Юнусбеков Ёрқинбек Улмасовичларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

2. Ходжаев Аббосхон Ахмадович, Курбанов Махамаджон Кадыржанович ва Юнусбеков Ёрқинбек Улмасовичларга нисбатан жазо тайинлаш масалаларини муҳокама қилинг.

6. Ш.Юнусов фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманлараро судининг 2016 йил 8 январдаги дубликат ижро варақасига асосан ундирувчи Г.Уринбаева фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент тўлаши белгиланган бўлсада, 2013 йил май ойидан 2017 йил 23 февралга қадар жами 7.464.752 сўм алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

1. Ш.Юнусовнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

2. Ш.Юнусовни Жавобгарликдан озод қилиш масалаларини муҳокама қилинг.

7. Ш.Юнусовга нисбатан 2016 йил 16 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман суди томонидан бир йил муддатга маъмурий назорат ўрнатилган бўлиб, унга кўра: спиртли ичимлик ичиш мақсадида кафе-бар, ресторан, чойхона ва ошхоналарга кириш ман этилиши; Тошкент шаҳар ҳудудидан Олмазор тумани ИИБ раҳбариятининг рухсатсиз чиқиб кетмаслик; соат 20:00 дан 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқиб кетмаслик; ҳар ойнинг 7, 21-кунлари ИИБга келиб рўйхатдан ўтиш белгиланган. Бироқ у ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, маъмурий назорат қоидаларини бузганлиги учун жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 2017 йил 4 майдаги қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 206-моддаси 1-қисми билан 74.887 сўм 50 тийин жарима жазосига тортилган. Шундан сўнг ҳам у маъмурий назорат қоидаларини бузиб, 2017 йил 12 июль куни соат 23:00 да яшаш жойида бўлмаган.

1. Ш.Юнусовнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Ш.Юнусовни жазодан озод қилиш масалаларини муҳокама қилинг.

8. Ш.Юнусовга нисбатан 2016 йил 16 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман суди томонидан бир йил муддатга маъмурий назорат ўрнатилган бўлиб, унга кўра: спиртли ичимлик ичиш мақсадида кафе-бар, ресторан, чойхона ва ошхоналарга кириш ман этилиши; Тошкент шаҳар ҳудудидан Олмазор тумани ИИБ раҳбариятининг рухсатсиз чиқиб кетмаслик; соат 20:00 дан 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқиб кетмаслик; ҳар ойнинг 7, 21-кунлари ИИБга келиб рўйхатдан ўтиш белгиланган. Бироқ у ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, маъмурий назорат қоидаларини бузганлиги учун жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 2017 йил 4 майдаги қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 206-моддаси 1-қисми билан 74.887 сўм 50 тийин жарима жазосига тортилган. Шундан сўнг ҳам у маъмурий назорат қоидаларини бузиб, 2017 йил 12 июль куни соат 23:00 да яшаш жойида бўлмаган.

1. Ш.Юнусовнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Ш.Юнусовни жазодан озод қилиш масалаларини муҳокама қилинг.

9. Фуқаро А.Гизатуллинанинг аризасига кўра, 2019 йил 13 декабрь куни З.Газиевага тегишли Чилонзор тумани, 6-мавзе, 67-уй, 46-хонадонда санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилиш юзасидан Чилонзор туман ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, туман ДСЭН инспектори, “Халқлар дўстлиги” маҳалла раиси маслаҳатчиси ва маҳалла фуқаролари билан бирга текширув ўтказилганда ҳеч қандай қоида бузилиши аниқланмаган. Шундай сўнг, унинг пастига тушгач А.Гизатуллина паст ниятларда, яъни ўзининг аризасида кўрсатилган важлар тасдиғини топмагач З.Газиевадан ўч олиш мақсадида унинг эркига қарши шу ерда бўлган фуқароларга Газиева Мафтуна Жамалиддиновнани унинг қизи эмаслиги, уни асраб олинганлигини айтиб, фарзандликка олишнинг қонун билан қўриқланадиган сирини ошқор қилган.

1. А.Гизатуллинанинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
2. А.Гизатуллинани Жавобгарликдан озод қилиш масалаларини муҳокама қилинг.

10. С.Мардиев 2017 йил май ойининг ўрталарида Чилонзор тумани, Оқтепа мавзесида ўтган каналларнинг бирининг сув бўйида 19.07.2003 йилда туғилган жабрланувчи М.Чоршанбиевнинг 16 ёшга тўлмаганлиги аён бўлгани ҳолда у билан ихтиёрий равишда жинсий алоқа қилган.

С.Мардиев ўзининг жинсий ҳаракатларини давом эттириб, 2017 йил май ойининг охирида Чилонзор тумани, 5-мавзе, 28-уй, 42-хонадонда бўла туриб, 19.07.2003 йилда туғилган жабрланувчи М.Чоршанбиевнинг 16 ёшга тўлмаганлиги аён бўлгани ҳолда у билан такроран ихтиёрий равишда жинсий алоқа қилган.

1. С.Мардиевнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
2. С.Мардиевни жазодан озод қилиш масалаларини муҳокама қилинг.

11. Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, З.Агзамова 2017 йил 14 апрель куни тахминан соат 14:00 ларда Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 34-уй, 187-хонадон ётоқхонасида фоҳишахона ташкил этиб, фуқаро А.Ахмедов ва Г.Раимоваларга жинсий алоқа қилишлари учун 50.000 сўм пул эвазига шароит яратиб берган.

З.Агзамова суд мажлисида ариза билан мурожаат қилиб, оилавий ва моддий аҳволи жуда оғирлигини, қармоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, турмуш ўртоғи йўқлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, турар жойи йўқлиги сабабли ижарада яшаб келишадиганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини инobatга олган ҳолда уни ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган шахс деб топиб, уни Жавобгарликдан озод қилишни ва шу муносабат билан унинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишни сўраган.

1. З.Агзамованинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
2. З.Агзамовани Жавобгарликдан озод қилиш масалаларини муҳокама қилинг.

12. О.Салимов турмуш ўртоғи Н.Кунаева билан ўрталаридаги оилавий келишмовчилик натижасида Н.Кунаевани фоҳишалик қилмаслигини била туриб, оммавий усулда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон уйдирмалар тарқатиб, шарманда қилиш мақсадида ўзининг номига расмийлаштирилган телефон рақамидан фойдаланиб, 2018 йил февраль-март ойларида интернетдаги “Facebook.com” ижтимоий тармоғида “Н.Кунаева” номи билан профил очиб, ушбу профилнинг фотосуратлар альбомида ярим яланғоч қизларни фотосуратини жойлаб, профилнинг маълумотлар бўлимига “пул эвазига жинсий хизматлар кўрсатилади” деган маълумотларни киритиб, Н.Кунаевани хабардор бўлиши учун унинг яқин қариндошларини телефон рақамларини киритиб, интернетда тарқатган.

Шунингдек, О.Салимов турмуш ўртоғи Н.Кунаева билан ўрталаридаги оилавий келишмовчилик натижасида ўзига тегишли бўлган телефон рақамларидан 2018 йил 13 июлдан 2018 йил 16 августга қадар бир неча маротаба Н.Кунаеванинг телефон рақамига шахсни шаъни ва кадр қимматини беодоблик билан таҳқирлайдиган “СМС” хабарларини жўнатиб, Н.Кунаевани ҳақорат қилиб келган.

1. О.Салимовнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
2. О.Салимовга нисбатан жазо тайинлаш масалаларини таҳлил қилинг.

13. Б.Пулатов бошқа шахслар билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Хашимов Умиджон Нусратовичдан Олмазор тумани, Беруний 3-мавзеси, Блок-Е уй, 81-хонадонда 150.000 АҚШ доллари миқдорида пул борлиги ҳақида хабарни олгач, 2016 йил 28 июль куни соат 09:20 ларда шу хонадонга келиб атрофни кузатиб туради, Н.Махкамов ва Г.Сидиков пичоқ билан қуролланган ҳолда хонадонга ғайриқонуний равишда бостириб кириш йўли билан ҳужум қилиб, З.Хамиджонованинг юзига қўл билан уриб соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб, уйда бўлган шахсларнинг қўлини мато билан боғлаб, хонадон балкони шкафидан 148.500 АҚШ доллари (440.158.455 сўм), 450.000 сўм пул ва нархи 300.000 сўмлик “Артел” русумли уяли телефон аппарати (жами 440.908.455 сўмлик моддий қимматликлар)ни олиб, воқеа жойидан яширинган.

1. Б.Пўлатов ва бошқаларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Мазкур казус мисолида иштирокчиликни таҳлил қилинг.

14. Фуқаро Б.Худаяров 2015 йил 20 майдан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўлими милиция таянч пунктларининг профилактика инспектори лавозимида ишлаб келиб, давлат органи мансабдор шахси бўлгани ҳолда, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2016 йил 19 февралдаги ҳукмига асосан жиноий Жавобгарликка тортилган Шайхонтоҳур тумани ИИБ Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўлими вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси гуруҳи инспектори лавозимида ишлаган Ш.Ибрагимов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, 2015 йил июнь ойида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Янги-Белтепа” м.ф.й., 20д-уй ертўласида жойлашган “Azizbek Pay Mobile” хусусий корхонасига қарашли компьютер хизматлари кўрсатиш тармоғига текшириш ниқоби остида кириб, ушбу компьютер ўйингоҳидаги бир дона компьютер процессорида “Ўзбекино” Миллий агентлиги томонидан тақиқланган кино маҳсулотлари мавжудлигини рўқач қилиб, 4.250.000 сўмлик “Nanotech” русумли процессорни текшириш учун деб, ҳеч қандай ҳужжатлар расмийлаштирмасдан қонунга хилоф равишда олиб кетиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ҳамда давлат ва жамият манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишган.

1. Б.Худаяровнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

2. Б.Худаяров қилмишининг хусусиятидан келиб чиқиб, Жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масалаларини таҳлил қилинг.

15. Фуқаро С.Исаков Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Гавхар кўчаси, 28-уй манзилида жойлашган “Kontinent Progress” МЧЖ директори Я.Жўраевга бир неча маротаба мурожаат қилиб, 2012 йилдан 2017 йилга қадар бўлган вақт оралиғида “Kontinent Progress” МЧЖ ва “ATLAS INVEST” ҚК МЧЖнинг ҳисоб рақамига тадбиркорлар томонидан гугурт маҳсулотини сотиб олиш мақсадида 280.000.000 сўм пул ўтказилган бўлса-да, ушбу пуллар учун гугурт етказиб берилмаганлигини, мазкур пуллар ноқонуний равишда ўзлаштириб юборилганлигини айтиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ушбу маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, Я.Жўраевни пул беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиб, Я.Жўраевдан жамиятнинг ноқонуний ҳаракатлари ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаслик эвазига 7.000 қути гугурт маҳсулоти ёки 70.000 АҚШ доллари беришни талаб қилиб, 2018 йил

22 октябрь куни “Kontinent Progress” МЧЖ биносида Я.Жўраевдан ушбу пулларнинг бир қисми сифатида 10.000 АҚШ долларини олаётган вақтда ушланган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишни квалификация қилинг.

2. Мазкур ҳолатда жазодан ва Жавобгарликдан озод қилиш масалаларини таҳлил қилинг.

16. Фуқаро А.Баҳодиров 2015 йил декабрь ойларида фуқаро М.Иркенова билан танишиб, у билан гаплашиб юриб, 2016 йил февраль ойида М.Иркенова бошқа бола билан гаплашиб юрганлигини эшитиб қолган. Шундан сўнг, у М.Иркенова билан уришиб қолиб, М.Иркенованинг унга севги изхор қилгани, бокиралигини унга ҳадя қилилишини айтгани ҳақидаги гапларини аудиоёзувга ёзиб олганини маълум қилиб, агар 500.000 сўм пул топиб бермаса ушбу аудиоёзувларни унинг ота-онасига ва ўқиш жойига бориб танишларига ҳамда интернет-тармоқларига тарқатиб юборишини айтган, кейинчалик М.Иркенова бундай қилмаслигини айтганлигини, у М.Иркеновага 500.000 сўм пул олиб келиб беришини ёки ўзининг бокиралигини унга ҳадя қилишини айтиб шарт қўйган. М.Иркенова А.Баҳодировнинг мазкур таклифини рад этиб, 2016 йил 5 март куни соат 09:30ларда М.Иркенова унинг телефонига қўнғироқ қилиб пулни беришини айтган. Улар Чилонзор тумани “Чилонзор” метро бекати олдидаги кўприк остидан ўтувчи Кичик ҳалқа йўли ёнида учрашишни келишганлигини, шу ерда А.Баҳодиров М.Иркеновадан пулларни олаётганида ИИБ ходимлари томонидан ушланган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишни квалификация қилинг.

2. Мазкур ҳолатда жазодан озод қилиш масалаларини таҳлил қилинг.

17. Фуқаро Б.Пирназаров 2017 йил 5 июнь куни соат 13:00 ларда Тошкент шаҳар, Олмазор туманида жойлашган “Охунгузар” номли масжид

рўпарасида намоз ўқиш учун масжидга кириб кетган Абдуллаев Шерзод Шавкатович томонидан қаровсиз қолдирилган “Кобальт” русумли, давлат рақами 01 834 LDA бўлган автоуловнинг орқа эшиги ойнаси очиклигидан фойдаланиб автоулов ички юкхонасидан 764.000 сўм пулларни эгаллаган вақтда Ш.Абдуллаев уни кўриб қолганини била туриб, эгаллаган пуллар билан қочганида орқасидан Ш.Абдуллаев етиб бориб томонидан ашёвий далил билан ушлаб олган.

Б.Пирназаров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 1-қисми билан айбланган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишни квалификация қилинг.
2. Мазкур ҳолатда жазодан озод қилиш масалаларини таҳлил қилинг.

18. Фуқаро Р.Қаюмбеков 2019 йил 02 январь куни соат 20:00ларда Тошкент шаҳар, Чиланзор тумани, 17-мавзеда жойлашган “Парламент” тунги клуби яқинида бўла туриб, шу ерда бўлган А.Иброхимовдан қиймати 100.000 сўмлик “Нокиа Х2” русумли ва қиймати 500.000 сўм бўлган “Samsung S3” русумли телефон аппаратларини очикдан-очик тортиб олиб, воқеа жойидан яширинган.

Шунингдек, Р.Қаюмбеков ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран талончилик қилиш мақсадида 2019 йил 02 январь куни соат 22:00ларда Тошкент шаҳар, Чиланзор тумани, 8-мавзе, 18-уй олдида бўла туриб, шу ерда бўлган вояга етмаган А.Филатовдан қиймати 700.000 сўм бўлган “Samsung Grand Prime” русумли телефон аппаратини очикдан-очик тортиб олиб, воқеа жойидан яширинган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишни квалификация қилинг.
2. Мазкур қазус мисолида такроран жиноят содир этишни таҳлил қилинг.

19. Фуқаро Б.Холхўжаев 2017 йил 19 июнь куни соат 19:30ларда Чиланзор тумани Қатортол мавзесида жойлашган сартарошхонадан сочини олдириб чиқиб, Чиланзор тумани 6-мавзесида кетаётганида шу ерда унга нотаниш бўлган О.Лошакова ва Х.Хидоятловларни маст ҳолатда бир-бирларига бақириб турганлигини кўриб, улардан ёрдам кераклиги ҳақида сўраган. О.Лошакова унга бақириб берган, кейин улар у ердан кетишган, Б.Холхўжаев ҳам уларнинг ортидан бориб, йўлда Х.Хидоятлов кетганлигини, О.Лошакова бир ўзи қолганлигини, унинг қўлида телефон аппарати борлигини кўриб, унинг қўлидаги телефон аппаратини олиб қочган. Б.Холхўжаев ноқонуний эгаллаб олинган “SONY-Z-1” русумли телефонни Сергели дехқон бозорида “Элшод” исмли шахсга 200.000 сўмга сотиб юборган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишни квалификация қилинг.
2. Мазкур қазус мисолида қилмишни жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларни қўллаш истиқболларини таҳлил қилинг.



20. Фуқаро Ф.Уразалиева 2016 йил 15 ноябрь куни фуқаро 1949 йилда туғилган Исмаилова Зумрад Убайдуллаевнанинг паспорт нухасига ўзининг расмини ёпиштириб, туғилган йилини 1965 йилга ўзгартириб, мазкур паспорт нухасини қалбакилаштирган.

Шунингдек, Ф.Уразалиева ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2016 йил 16 ноябрь куни Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 100-уйда жойлашган “Мега Сектор” МЧЖга келиб, шу МЧЖ менеджери лавозимида ишловчи Юнусов Дилшод Абдурашидовичга ўзини Исмаилова Зумрад Убайдуллаевна деб таништириб, унга З.Исмаилованинг қалбакилаштирилган паспорт нухасини тақдим қилиб, Д.Юнусов билан ижара шартномаси тузиб, 76 жуфт қурилиш ҳавозаларини ижарага олиб, сўнг ушбу ҳавозаларни фуқаро Патидинов Шаҳобиддин Шамшиддиновичга 7.600.000 сўмга сотиб юбориб, пулларни ўзининг эҳтиёжига ишлатиб юборган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишни квалификация қилинг.

2. Мазкур казус мисолида жиноятлар мажмуини қўллаш масалаларини таҳлил қилинг.

21. Прокуратура Департаментининг Наманган вилояти бошқармаси ва вилоят ИИБ ЖҚБ КИЖҚКБ ходимлари томонидан ҳамкорликда Наманган шаҳрида яшовчи О.Нажмиддиновнинг аризаси юзасидан 2018 йил 12 сентябрь куни соат 12:25 дан 13:15 га қадар ўтказилган тезкор тадбирда судланувчи Эргашев Қосимжон Қодирович ўзининг ғараз мақсадларини кўзлаб, валюта қимматликларини банкдан ташқарида олиш ва ўтказиш қонунга ҳилоф эканлигини билгани ҳолда Уйчи тумани марказида жойлашган омухта-ем маҳсулотларини сотиш шаҳобчасида назоратчи харидор О.Нажмиддиновдаги 7.200 АҚШ долларини 1 АҚШ долларини 7.890 сўмдан ҳисоблаб 7.200 АҚШ долларини 56.808.000 сўмга сотиб олишга келишиб, назоратчи харидордан кимёвий ишлов берилган 7.200 АҚШ долларини олиб, унга 30.000.000 сўм пулларни бериб, қолган 26.808.000 сўмини кейинроқ бермоқчи бўлган вақтида ушланган ва ундан 30.000.000 сўм пуллар далилий ашё сифатида олинган.

Қ.Эргашев муқаддам жиноят содир этмаган, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятни очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишни квалификация қилинг.

2. Мазкур казус мисолида қилмишни жинойлигини истисно қилувчи ҳолатларни қўллаш истиқболларини таҳлил қилинг.

22. Фуқаро А.Ҳакимов чет эл валютасини қонунга ҳилоф равишда сотиб олиш мақсадида жиноят ишининг қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ шахс бўлиб, 2018 йил 11 октябрь куни соат 19:30ларда Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 26-мавзе, 24-уй, 73-хонадонда И.Абдуллаева ва Е.Шониязовалардан ҳар бир АҚШ долларини “қора бозор” курсида 8.230 сўмдан ҳисоблаб, Марказий

банк курси бўйича кўп миқдорни, яъни 98.172.960 сўмни ташкил қилган 12.000 АҚШ долларини жами 98.760.000 сўмга сотиб олишга келишиб, И.Абдуллаева ва Е.Шониязовалардан 12.000 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда олиб, келишилган 98.760.000 сўмдан 90.260.000 сўмини уларга бериб, қолган 8.500.000 сўмни жиноят ишининг қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс ўзининг бошқарувидаги давлат рақами 01Н825ЕА бўлган “Нексия-1” русумли автомашинадан олиб келиш учун уйдан чиқиб кетаётганида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги ИЖҚК Департаментининг Чилонзор туман бўлими ходимлари томонидан тезкор тадбир ташкиллаштирилиб, жиноят ишининг қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс жиноят предмети бўлган 12.000 АҚШ долларини воқеа жойидан олиб қочиб кетган, А.Хакимов эса Департамент ходимлари томонидан ушланган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишни квалификация қилинг.
2. Мазкур қазус мисолида жиноят қонунида вақт масаласини муҳокама қилинг.

23. Фуқаро У.Юнусов “Sen Chen textile group” МЧЖ директори лавозимида ишлаб келиб, ХХРдаги “Urumqi tongyale international trade” жамияти билан 03.04.2017 йилда 4-сонли товарларни етказиб бериш тўғрисида шартнома имзолаб, ушбу шартномага асосан 2017 йил 25 июль куни Хитой давлатидан 011079-сонли СМГС, 10.07.2017 йилдаги ТҮ17-20117-сонли инвойс ва ўров варағи асосида PCSU 5101312-рақамли контейнерда жами фактура қиймати 3.189 АҚШ долларига тенг бўлган 104 ўрамдаги, брутто вазни 22.260 кг, нетто вазни 21.260 кг бўлган “ворсовие плотона, трикотажные из химических нитей”, яъни адёллар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган матоларни келтирганлиги тўғрисида типографик рақами EDK654431 бўлган божхона юк декларациясини тўлдириб, “Тошкент товар” ТИФ божхона постига тақдим этиб, у томонидан олиб келинган матолар орасига яшириб жойлаштирилган умумий қиймати жуда кўп миқдорни ташкил қилган 158.400.000 сўмлик тайёр ҳолдаги 7200 дона болалар адёлларини декларацияда акс эттирмай, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонунга хилоф равишда олиб кирган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишни квалификация қилинг.
2. Мазкур қазус мисолида жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиш қондасини муҳокама қилинг.

24. Фуқаро Ҳ.Мусурмонкулов муқаддам жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир туман судининг 12.01.2016 йилги қарорига асосан фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 165-моддаси, 170-моддаси ва 176-моддасининг 1-қисми билан маъмурий жазо қўлланилган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.03.2012 йилги 72-сон Қарорини 1-Иловасининг 5-бандида аудиовизуал асарлар, ЭҲМ дастурлари, грампластинка, аудиокассета ва лазерли дискларни сотиш

лицензия олиниши талаб қилинадиган фаолият турларига киритилган бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 12.05.2001 йилги 222-2-сонли Қарорининг 1-Иловаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.06.2002 йилги “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги 236-сонли Қарори талабларига зид равишда, 07.12.2015 йилдан 13.01.2016 йилга қадар Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги “Отчопар” бозорида ерости йўлининг чиқиш жойида лицензия олиниши шарт бўлган аудио ва видео маҳсулотлар ёзилган дисклар савдоси фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиб келган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишни квалификация қилинг.

2. Мазкур қазус ечимида Жавобгарликдан озод қилиш масалаларини таҳлил қилинг.

25. Фуқаро З.Нажмиддинов фуқаро О.Бўрибоев билан бир гуруҳ бўлиб, жинойий тил бириктириб, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси ва “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 3286-сонли Қарори талабларига зид равишда маҳаллий ҳокимият қарорисиз, кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун махсус лицензия олмасдан, 2017 йил май ойидан 2017 йил 12 октябрь кунига қадар “Подшоота” сойи ўзанидан судланувчи О.Бўрибоев ўзига тегишли “Хюндай 1400 W” русумли НУ 4592 давлат рақам белгили эксковаторни З.Нажмиддиновга топшириб, қум-шағал маҳсулотларини қовлаб, сотиб, тушган пулларни О.Бўрибоевга топшириб келган, О.Бўрибоев сотилган қум-шағал маҳсулотлари пулларини олиб, эҳтиёжларига ишлатиб келган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишни квалификация қилинг.

2. Мазкур қазус ечимида қилмишни жинойийлигини истисно қилувчи ҳолатларни таҳлил қилинг.

26. Фуқаро Д.Арипджанова Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган Республика шошилинич тиббий ёрдам Маркази шифохонасининг травматология қабул бўлимида хизматчи, яъни ҳамшира лавозимида ишлаб келиб, 2018 йил 08 февраль куни иш вақтида Ж.Тоғаевнинг 7 метр банландликдан йиқилиб тан жароҳат олганлигини рўйхатга олиш китобига расмийлаштирган бўлсада, ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда пул эвазига бу ҳақда ўқиш ва ҳуқуқни муҳофоза қилувчи органларга хабар бермаслигини айтиб, таъмагирлик йўли билан беморнинг таниши А.Омониллаевдан 41.000 сўм миқдоридаги пулларни олган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

2. Қазус мисолида асосий ва қўшимча жазоларни тайинлаш масаласини таҳлил қилинг.

27. Фуқаро Матиббаев Олимжон Рахимбаевич 2018 йил 24 июнь куни соат 22:00ларда Тўрақўрғон тумани, Тошкент МФЙда жойлашган “Фаввора” номли дам олиш маскани олдида қаровсиз қолдириб кетилган Косонсой тумани, Тергачи МФЙда яшовчи М.Йўлдошалиевга тегишли бўлган “Минск” русумли мотоциклини талон-торож қилиш мақсадида ўғирлаб кетиб, 25 июнь куни Мингбулоқ тумани, Қизилқум МФЙда яшовчи Т.Тоджибаевга 200.000 сўмга сотиб юборган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, фуқаро О.Матиббаевнинг ҳаракатларини юридик таҳлил қилинг.

2. Казус мисолида нормалар рақобатини таҳлил қилинг.

28. Фуқаро Матиббаев Олимжон Рахимбаевич 2018 йил 24 июнь куни соат 22:00ларда Тўрақўрғон тумани, Тошкент МФЙда жойлашган “Фаввора” номли дам олиш маскани олдида қаровсиз қолдириб кетилган Косонсой тумани, Тергачи МФЙда яшовчи М.Йўлдошалиевга тегишли бўлган “Минск” русумли мотоциклини талон-торож қилиш мақсадида ўғирлаб кетиб, 25 июнь куни Мингбулоқ тумани, Қизилқум МФЙда яшовчи Т.Тоджибаевга 200.000 сўмга сотиб юборган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, фуқаро О.Матиббаевнинг ҳаракатларини юридик таҳлил қилинг.

2. Казус мисолида нормалар рақобатини таҳлил қилинг.

29. Фуқаро Х.Рихсибаев 2016 йил 6 август куни номаълум шахсдан бир дона гугурт қутисида гиёҳвандлик воситаси 1,35 грамм марихуанани 400.000 сўмга сотиб олиб, уни қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳар, Олмазор туманида жойлашган “Тансиқбоев” деҳқон бозори қаршисидаги кўп қаватли уйлар олдида ушбу гиёҳвандлик воситасини 8 дона газета бўлагига тақсимлаб, эғнида бўлган шортигининг ўнг ён чўнтагига солиб, “Grand Lavash” кафесига кирган вақтда ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2016 йил 7 августдаги 2/597-сонли хулосасига кўра, Х.Рихсибаевдан олинган моддалар (объектлар №1,2,3,4,5,6,7,8) таркибида фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда “марихуана” деб аталиши, унинг оғирлиги 1,35 граммга тенглиги аниқланган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, фуқаро Х.Рихсибаевнинг ҳаракатларини юридик таҳлил қилинг.

2. Казус мисолида жазо тайинлаш масаласини таҳлил қилинг.

30. Фуқаро М.Туляганов 2016 йил 5 декабрь куни тахминан соат 19:30 ларда Тошкент шаҳар, Олмазор туманида жойлашган “Суллола” тўйхонасининг олдида бўла туриб, шу ерда бўлган фуқаро Низамов Баходир Музаффариддин ўғлини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаб, ҳеч бир сабабсиз унинг юзига мушти билан уриб тан жароҳати етказган вақтда, буни кўрган унинг укаси Б.Низамов Бахтиёр Музаффариддин ўғли

М.Тулягановни тинчлантириш мақсадида борганида М.Туляганов ўзининг безорилик ҳаракатларини давом эттириб, Низамов Бахтиёрни урмоқчи бўлиб унинг ёқасидан ушлаган пайтда, шу ерда бўлган Абидов Умид Мурод ўғли М.Тулягановнинг безорилик ҳаракатларини олдини олиш чорасини кўриш мақсадида ажратмоқчи бўлиб унинг қўлларига ёпишган вақтда, М.Туляганов уни ҳам юзи ва бошига қўллари билан бир неча маротаба уриб тан жароҳати етказган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2016 йил 12 декабрдаги 1354-Ҳ-Шод сонли хулосасига кўра, Абидов Умид Мурод ўғли енгил даражадаги тан жароҳати олганлиги аниқланган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2016 йил 14 декабрдаги 1355-Ҳ-Шод сонли хулосасига кўра, Низамов Баходир Музаффариддин ўғли енгил даражадаги тан жароҳати олганлиги аниқланган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг, фуқаро М.Тулягановнинг ҳаракатларини юридик таҳлил қилинг.

2. М.Тулягановга нисбатан ярашув интитутини қўллаш масаласини таҳлил қилинг.

31. Фуқаро Муродов жиноят устида тезкор-қидирув ходимлари томонидан ушланди. Вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштирилган Муродов дастлаб гувоҳ сифатида сўроқ қилинди, жиноят иши кўзғатилгач эса ишга гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиниб, унга гаров эҳтиёт чораси қўлланилди.

Бироқ, терговнинг дастлабки кунларида гумон қилинувчи қочиб кетишга улгурди ва терговчи томонидан унга қидирув эълон қилинди. Жиноят ишини юритиш тўхтатилгач, экспертиза ўтказиш зарурати юзага келди ва терговчи томонидан хатшунослик экспертизаси тайинланди.

Мазкур ҳолатни жиноят-процессуал қонунчилик асосида таҳлил қилинг.

32. Жиноят ишига айбланувчи тариқасида жалб қилинган фуқаро Авазов жиноят иши материаллари билан танишиб, улардан нусха олишни сўраб суриштирувчига мурожаат қилди. Терговчи эса айбланувчининг илтимосини рад этиб, бунга мажбур эмаслигини билдирди. Тергов давомида айбланувчининг соғлиғи оғирлашгани сабабли тиббий муассасада даволанган ва мазкур муассаса томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосланиб, терговчи томонидан иш юритиш тўхтатилди.

Мазкур ҳолатни жиноят-процессуал қонунчилик асосида таҳлил қилинг.

33. Жиноят иши доирасида айбланувчидан ўз адвокати бор-йўқлиги сўралди ва мавжуд эмаслиги маълум бўлгач, терговчи унга “Адолат уйи” адвокатлик фирмаси адвокатини тайинлади. Адвокат ҳимояси остидаги шахс билан учрашиш учун вақтинчалик сақлаш ҳибсхонаси камерасига борганида, унга тартибга масъул ходим ичкарига киритиш учун бошлиқдан рухсат

қоғози кераклигини, назорат кучайтирилгани учун шунақа буйруқ олганини айтади. Адвокатнинг айбланувчи ишлайдиган ташкилотга маълумот сўраб юборган хати жавобсиз қолдирилди.

Мазкур ҳолатни жиноят-процессуал қонунчилик асосида таҳлил қилинг.

34. Терговчи томонидан таклиф этилган адвокатни айбланувчи рад этди ва ўзини ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилишини билдирди. Терговчи уни бир неча мартаба сўроқ қилди. У эса бундан норози бўлиб, тергов ҳаракати иш вақтидан кейин ҳам давом этганини ва ҳатто дам олиш кунлари ҳам у чақиртирилганидан норозилигини билдирди. Жиноят иши доирасида уй қамоғи эҳтиёт чораси қўллаш бўйича судга илтимоснома киритилди.

Бу илтимосномани кўриш жараёнида судья жабрланувчининг илтимоси бўйича ОАВни илтимосномани кўриш жараёнига киритмади.

Мазкур ҳолатни жиноят-процессуал қонунчилик асосида таҳлил қилинг.

35. Бирлашган Араб Амирликларида меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқароси анча йиллар олдин содир этилган жиноятга дахлдорликда гумон қилинмоқда. Уни келтиришнинг иложиси бўлмаганлиги сабабли терговчи жиноят ишининг унга нисбатан қисмини ажратиб олиб, ЖПК 364-моддаси 4-бандига асосланиб иш юритишни тўхтатади.

Кейин эса ўзаролик принципи бўйича фуқарони ушлаб бериш юзасидан БААга сўров юборилди. Хорижий давлат тергов органи сўров ижросини рад этиб, уларнинг қонунчилигида мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси паст эканлиги, бизнинг қонунчиликда эса оғирроқ жазо назарда тутилганини, бу ҳолатда унинг экстрадиция масаласи кўриб чиқилмаслигини билдирган.

Мазкур ҳолатни жиноят-процессуал қонунчилик асосида таҳлил қилинг.

36. Дастлабки терговда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 1-қисми билан Р.Пардаевни айблаб жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судига юборилган жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида жиноят иши юзасидан терговчи томонидан қўлланилган “шахсий кафиллик” тариқасидаги эҳтиёт чораси нотўғри қўлланилганлиги аниқланди. Шундан сўнг судья томонидан терговчи П.Комиловга нисбатан хусусий ажрим чиқариш билан бирга жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида қарор чиқарди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

37. 2020 йил 26 май куни “АКФА” ОАЖ ходими С.Алиев томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этди. Мазкур ҳолат юзасидан суд муҳокамаси даврида “АКФА” ОАЖ раҳбари Т.Ибрагимов содир этилган мазкур жиноят

иши юзасидан фуқаровий даъвогар вакили сифатида қатнашишини билдирди, лекин судя уни ишда иштирок этиши учун махсус ОАЖ таркибидаги акциядорлар кенгаши томонидан бериладиган махсус ваколатномани талаб қилди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

38. 2020 йил 11 сентябрь куни Д.Дадоевнинг гаражидан “ЛАСЕТТИ” русумли шахсий автомашинаси ўғирланди. Барча ўтказилган тергов ҳаракатлари натижасиз бўлганлиги сабабли терговчи 2020 йил 14 октябрда жиноят иши юритувини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарди. 2020 йил 16 октябрда жиноят қидирув ходимлари томонидан иш бўйича муҳим маълумотлар аниқланганлиги тўғрисида хабар берилди.

Мазкур ҳолат бўйича терговчи қандай процессуал ҳаракатларни амалга ошириши керак?

Ушбу ҳолат юзасидан тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш тартиби ва асосини баён қилинг.

39. Суд муҳокамасида судланувчи Ш.Одилов томонидан унга берилган охириги сўзида жиноят иши учун муҳим аҳамиятга молик янги маълумотларни маълум қилди. Суд ушбу ҳолатлар ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатлилигига таъсир қилишини инобатга олиб, жиноят ишини қўшимча терговга қайтарди.

Давлат айбловчиси эса, жиноят иши бўйича суд терговни янгитдан бошлаш тўғрисида фикр билдирди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

40. 2020 йил 01 август куни ЖИБ Олмазор туман суди Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган 24-08-2015 сонли жиноят иши юзасидан олиб борилаётган суд муҳокамаси вақтида судланувчи М.Расуловга охириги сўз берилди. Унда судланувчи М.Расулов судья ва давлат айбловчисини ҳақорат қилиб, уларнинг шаънига турли хил уятли сўзларни айта бошлади. Судя уни огоҳлантиришига қарамай ҳаракатларини давом эттирди.

Судя алоҳида хонадан чиққанидан сўнг судланувчи М.Расуловга нисбатан айблов ҳукми эълон қилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддасига асосан янги жиноят иши кўзғатиб, тергов қилишлик учун Олмазор туман прокуратурасига юборади.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

41. 2021 йилнинг 08 март куни соат 19:30 дан 20:30 гача бўлган вақт оралиғида номаълум шахс Олтинкўл тумани Кўмакай МФЙ., ҳудудида бир маротаба кўнғироқ қилиш баҳонасида Шерзодбекнинг “Samsung J-2” русумли телефон аппаратларини олиб, ҳодиса жойидан қочиб кетган.

Терговда аниқланишича, жиноятни Даврон исмли фуқаро содир этган ва у айбланувчи тариқасида ишга жалб этилди.

Бироқ, Даврон кўриб кетганидан терговдан яширинишга улгурди. Ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида айбланувчи ушланди.

Ишни судда кўришда Даврон жабрланувчининг қариндошларидан уялишини айтиб, раислик қилувчидан ишни ёпиқ кўришни сўрайди. Халқ маслаҳатчилари эса бу ҳолат ишни ёпиқ тарзда кўриш учун асос бўлмаслигини судланувчига тушунтиришди.

Мазкур вазиятни жиноят-процессуал қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

42. 14.01.2021 йилда Санжар Жиззах вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан қўзғатилган жиноят иши бўйича Дамирга ўзини гўёки “адвокат” деб таништириб, “тергов даврида ҳуқуқларингни ҳимоя қиламан, айбсиз қилиб олиб чиқиб кетаман” деб ваъда бериб, автовокзалда жами 5.000 АҚШ доллар пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармаган. Санжар терговчига ўзбек тилини яхши билмаслигини айтган ва терговчининг ўзи оғзаки таржима қилиб берган. Бундан ташқари, сўроқ чўзилиб кетганидан норози бўлган айбланувчи эътироз билдирган.

Мазкур вазиятни жиноят-процессуал қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

43. 09.03.2021 йил соат 11:00ларда, Рустам исмли шахс Чилонзор тумани “Қатортол” савдо мажмуасининг олдида Наргизанинг кўлидаги 150 АҚШ доллари ва 3 000 000 сўм пул маблағлари бўлган қора рангли ҳамёнини талончилик йўли билан тортиб олиб, ҳодиса жойидан қочиб кетаётганида, ушбу ҳудудда хизмат олиб бораётган ИИБ ва Миллий гвардия ходимлари томонидан ушланган.

Гумон қилинувчининг ҳимоячиси шахсни ушлаш жараёни видеоёзувга олинмаганига эътироз билдириб, далилни номақбул деб топиш тўғрисида илтимоснома киритди. Суриштирувчи айбланувчига нисбатан гаров эҳтиёт чорасини қўллади ва гаров суммаси сифатида 4 миллион сўмни белгилади.

Ишни судда кўриш давомида судланувчи тўсатдан вафот этди. Натижада раислик қилувчи ЖПК 83-модда 2-бандига асосан жиноят иши юритувини тугатди.

Мазкур вазиятни жиноят-процессуал қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

44. 03.03.2021 йилда Ж. “OLX.uz” сайти орқали З. “НР” русумли ноутбук ва моноблокларни сотишга эълон берганлигини кўриб, фирибгарлик йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2 дона “НР” русумли ноутбукни корхона учун дея буюртма бериб, пул ўтказиш йўли билан тўлов қилишини айтиб, қўлга киритилган техника воситаларини “Малика” савдо мажмуасида сотиб юборган. Тергов жараёнида айбланувчи



жабрланувчи билан ярашишга тайёрлигини билдирди. Жабрланувчи эса бунга рози эмаслигини айтган. Натижада терговчи уларни яраштириб, ЖПК 83-модда 1-бандига асосан ишни тугатган.

Жабрланувчининг прокурорга қилган шикоят натижасида эса иш қайта тикланади ва иш умумий асосларда давом этади. Прокурорнинг қарори асосида айбланувчининг яшаш манзилига келадиган почта жўнатмалари хатлаб қўйилди.

Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг!

45. 08.03.2021 йилда соат тахминан 23:40 ларда номаълум шахс Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Ш.га тегишли “Gentra” русумли автомашинасини олиб қочиб, йўл транспорт ҳодисаси содир этиб, автомашинани ташлаб қочиб кетган. Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида фуқаро А. ушланди. Гумон қилинувчи қочиб кетишининг олдини олиш мақсадида прокурор судга қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома киритди. Бироқ, суд мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш учун асос етарли эмаслигини билдириб, рад этди.

Тергов давомида айбланувчи оғир касалликка чалинади ва терговчи оилавий поликлиникадан олинган маълумотнома асосида жиноят иши юритувини ЖПК 366-моддасига асосан тўхтатади. Кейинчалик иш қайта тикланади ва иш умумий асосларда давом эттирилади. Ишни судда кўришда эса судланувчининг бошқа бир жиноят содир этганлиги ҳам аниқланди. Раислик қилувчи буни дастлабки тергов камчилиги сифатида баҳолаб, ишни кўришни мавжуд далиллар асосида давом эттирди ва айблов ҳукми чиқарди.

Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг!

46. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Б.Авазбеков Россия Федерациясида бўлган вақтида босқинчилик жинояти содир этган ҳамда қўлга киритилган бойликларни пуллаган (сотиб юборган) ва Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган. Ўзбекистонда келганидан кейин ҳам жиноий фаолиятини давом эттириб, бир неча бор ўғирлик жиноятини содир етган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинган.

Унга нисбатан жиноят иши юритилаётган айни бир вақтда Россия Федерацияси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушбу шахсни ушлаб бериш тўғрисида сўров келиб тушган. Сўровни қаноатлантириш рад қилинди.

Мазкур ҳолатни Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги асосида таҳлил қилган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

47. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ахмедов 2020 йил июль ойида ЖКнинг 164-моддаси 2-қисм “а” бандида назарда тутилган жиноятни (босқинчилик, қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб) содир этиб сўнгра жиноий жавобгарликдан қочиб қутилиш мақсадида Швейцария мамлакатига ўтиб кетди. Ушбу ҳолатда терговчи Собиров Бош прокуратура орқали ушбу мамлакатга сўров юборди.

Таъкидлаш жоизки Ахмедовга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, аммо рад жавобини олди.

Мазкур ҳолатни Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги асосида таҳлил қилган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг. Терговчи сифатида қарор қабул қилинг.

48. 27.05.2020 йилда Учтепа туман ИИО терговчиси Бўриевга жиноят тўғрисида хабар ёзилган имзо қўйилмаган хат келиб тушди. Ушбу хатда Жавлиеванинг 17-мактабнинг директори дарсларни қолдирганлигини яширгани учун ҳар бир ўқувчидан 200 АҚШ доллари миқдорида пора олганлиги айтилган. Шунингдек, хатда мактаб директори ва бухгалтери ўзлаштириш ва ўғирлаш йўли билан маблағни ўзлаштирганлиги тўғрисида хабар бор.

Берилган хабар юзасидан терговчи жиноят иши қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарди.

17-умумтаълим мактаби директори Жавлиева ўз баёнотида жиноят иши ноқонуний сабаб ва асослар билан қўзғатилганлигини, шунингдек терговчининг ҳаракатлари давомида кўрсатмаларини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига жиноят иши бўйича терговга қадар текширув ноқонуний бўлган деб мурожаат қилди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

49. Ўта шафқатсизлик билан қасдан одам ўлдириш жиноятининг гувоҳи бўлиб қолган Бектошевни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш жараёнида унинг ноадекват ҳаракатларини сезган ҳимоячи Бектошевнинг руҳий ҳолати жойида эмаслигини ва унинг берган гувоҳлиги далил бўла олмаслигини билдирди. Терговчи Бектошевнинг руҳий ҳолатига ойдинлик киритиш мақсадида унга нисбатан суд-психиатрия экспертиза тайинлаб, унинг психиатрия муассасасида бўлишини айтганида Бектошевнинг ота-онаси бунга қатъий қаршилиқ билдириб, прокурор санкцияси берилган қарорни талаб қилди.

Масалани жиноят-процессуал қонунчилик асосида таҳлил қилинг.

50. Жиноят иши бўйича тафтиш тайинлаш тўғрисида терговчи томонидан қарор қабул қилинди. Тафтиш ўтказиш жараёнида баъзи ҳужжатларни, шунингдек “Туркистон” АЖ томонидан “Турон” банки орқали амалга оширган операциялари тўғрисида маълумотлар қайд қилинган ҳужжатларни олиш зарурати туғилганлиги сабабли тафтиш ўтказувчи мутахассислар томонидан мазкур ҳужжатлар талаб қилинганида “Туркистон” АЖ раҳбарияти бу ҳужжатларни беришдан бош тортди ва бунинг учун тафтиш жараёнига адвокатни жалб қилишни ҳамда терговчининг алоҳида қарорини талаб қилди. Тафтиш ўтказувчи мутахассислар эса, ҳужжатларни олиш учун тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг ўзи етарли эканлигини билдиришди.

Вазиятни жиноят-процессуал қонунчилиги асосида танқидий таҳлил қилинг.

51. “Вортекс” МЧЖнинг мансабдор шахсларидан бири бўлган А.Мардоновнинг фаолияти тафтиш қилинди ва тафтиш натижасида унинг фаолиятида ЎзР ЖКнинг 167-моддаси таркиби мавжуд деб топилди.

ИИБ терговчиси М.Сатторов ЎзР ЖК 167-моддаси бўйича жиноят ишини кўзғатиб, ЎзР ЖПКнинг 345-моддасидаги “Айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилади” деган нормага асосланиб, жиноят иши материалларини прокуратурага ўтказиш тўғрисида қарор чиқарди.

52. Фарғона вилоятидаги ҳарбий қисм ташқарисида жойлашган кафе ёнида вояга этмаган А.Махсудов, К.Бахромов ва О.Валижоновлар Сурхандарё вилоятдан келган бир йиллик ҳарбий хизматни ўтаётган Ш.Каримовни (у фуқаролик кийимида бўлган) “бошқа вилоятдан келган” деб ўйлаб, уни дўппослаш натижасида ўлдириб қўйишди. Вилоят прокуратура терговчиси ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатиб, Ш.Каримовнинг ҳарбий эканлиги аниқлангандан сўнг жиноят ишини ҳарбий прокуратура терговига тегишли деб ҳисоблаб, бу ҳақида қарор чиқарди ва жиноят ишини Фарғона вилоят ҳарбий прокуратурасига юборди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

53. Терговчи Т.Вахобов 2020 йил 15 июнь куни номаълум шахс томонидан ёзилган имзосиз хатни олади. Мазкур хатда 44-сонли ўрта умумтаълим мактаб директори иштирок этилмаган дарс машғулотларини қатнашди деб ҳисоблаш учун ҳар чоракда 20 га яқин ўқувчидан жами 2600 АҚШ доллари миқдорида пора олганлиги хабарда ўз аксини топган эди.

Бундан ташқари, хабарда мактаб директори ва бухгалтер томонидан ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш жиноятини содир қилганлиги ҳақида маълумот бўлган.

Ушбу вазиятда терговчи қандай процессуал ҳаракатларни амалга ошириши лозим?

54 Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилган гумон қилинувчи С.Салимовга нисбатан ўтказилаётган дастлабки тергов жараёнида амнистия акти эълон қилинди. Жабрланувчи Л.Отабеков эса амнистия актни қўллаш тўғрисидаги илтимоснома киритиш тўғрисида қарор судга киритилгунга қадар айблилик масаласини ҳал этиб беришни сўради, у кейинчалик фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига маънавий ва моддий зарар масаласида мурожаат қилмоқчи эканлигини айтди. Терговчи унинг илтимосини қаноатлантирди ва С.Салимовга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома киритиш тўғрисидаги қарорни судга киритди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

55. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланаётган В.Кенжаев дастлабки тергов давомида жабрланувчи Л.Ботиров ва И.Исмоиловларга етказилган зарар бартараф этилганлигини, ўз айбига ихтиёрий иқдор бўлганлигини айтиб терговчига жиноят ишини ярашув бўйича тугатишни сўраб мурожаат қилди.

Терговчи айбланувчининг мурожаатини қаноатлантириб жиноят ишини тарафларнинг ярашуви муносабати билан судга юбориш тўғрисида қарор чиқарди. Жабрланувчи И.Исмоилов эса ярашувга рози эмаслигини билдирди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

56. 2020 йил 10 май куни З.Отабеков томонидан О.Собиров муттасил равишда дўппослаш натижасида унга етказилган тан жароҳатлари сабабли Тошкент шаҳар 1-сонли шифохонасига олиб борилади. ИИБ ТБ терговчиси А.Махмудов томонидан 2020 йил 22 май куни 1-сонли ТШШ томонидан берилган 155-сонли тиббий маълумотномага асосан З.Отабековга нисбатан ЎЗР ЖКнинг 110-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилади.

Аммо гумон қилинувчи З.Отабеков 2020 йил 25 май куни ўзининг ҳаёти давомида орттирилган юрак ишемик касаллиги натижасида вафот этади.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

57. 2020 йил 14 сентябрь куни соат 10:30ларда К.Алимов ички ишлар бўлимига уйида ўғирлик жинояти содир этилганлиги тўғрисида хабар беради. 2020 йил 16 сентябрь куни терговчи жиноят содир қилган шахс аниқланмаганлиги сабабли жиноят ишини тўхтатади. Жиноят содир этилганлигининг бешинчи куни К.Алимов терговчидан хабар олай деб келса, терговчи жиноят иши тўхтатилганлигини, К.Алимовнинг ўзи гумон қилган шахслари бўлса, эътибор бериб юришини таъкидлаган. Жиноят содир қилган шахсни аниқласангиз, дарҳол хабар беринг деб уқтириб ҳам қўйган. Терговчининг ҳаракатлари тўғрими, терговчининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

58. Жабрланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган Р.Давронов юрак хуружи ташхиси билан касалхонага ётқизилади. Унинг даволаниш муддати узокқа чўзилганлиги, бу эса терговчи П.Пардаев томонидан жабрланувчини сўроқ қилиб, ҳолатга ойдinлик киритишига қийинчилик туғдиради.

Шу сабабли, терговчи П.Пардаев гумон қилинувчи А.Рашидовга нисбатан юритилаётган жиноят иши юзасидан дастлабки тергов муддатини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

59. Рус миллатига мансуб бўлган айбланувчи Н.Крилов сурункали юрак қон томирлари етишмовчилиги касаллиги билан тергов ҳибсхонасидан тиббий бўлимга кўчирилади. Прокурор айбланувчи Н.Криловга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини ўзгартириб “уй қамоғи” эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилади. Шундан сўнг терговчи А.Абдуллаев дастлабки тергов муддати тугаётганлигини эътиборга олиб, айбланувчига иш материали билан танишиш баённомасига имзо чекиб беришини сўрайди. Н.Крилов биринчидан жиноят иши материаллари билан ҳимоячи иштирокисиз танишмаслигини, иккинчидан таржимонни ҳам жалб қилиш лозимлигини айтади.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг. Жиноят иши материаллари билан таништириш тартиби ҳақида тўхталинг.

60. Терговчи дастлабки тергов тамомланди деб ҳисоблаб, жабрланувчи Н.Маматов ва А.Хасановга жиноят иши материаллари билан 2020 йил 16 март куни соат 10-00 дан 15-00 га қадар келиб танишиши тўғрисида хабарнома жўнатади.

Аммо Н.Маматов белгиланган вақтда терговчига маълум бўлмаган сабабларга кўра келмайди. Терговчи эса айбланувчи ва унинг ҳимоячисини иш материаллари билан таништириб, баённома тузади ва айблов хулосасини тузиб, жиноят ишини прокурорга топширади. Ушбу куни прокурорга Н.Маматовдан шикоят аризаси тушиб, унда жабрланувчи дастлабки терговни тамомланганлигини билмаганлигини, ҳеч қандай хабарнома хатини олмаганлигини, бу вақтда у касалхонада бетоб бўлиб ётганлигини, иш билан танишиш имконияти берилишини илтимос қилади.

Жабрланувчининг талаблари асослими унинг қайси ҳуқуқлари бузилган?

61. 2018 йил 1 февраль куни соат 8:00 да ИИБ ходими 1977 йилда туғилган А. хизмат вазифасини бажариш учун ўзига бириктирилган “Макаров” русумли тўппончаси ва 2 дона магазинида бўлган 9 мм. калибрли 16 дона ўқ-дориларини қабул қилиб, соат 9 да минибанкда кўриқлаш-кузатиш хизматини олиб бориб, соат 11 ларда хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб, соат 15 да Тошкент тумани, “Боғбон” фермер хўжалиги дала ер майдонига келиб, шу ерда хизмат қуроли билан ўзини бош қисмига отиб, жонига қасд қилиб, вафот этган ва жасадни соат 17:30 да фуқаро Б. топиб ИИБга хабар берган.

Терговчи терговга қадар текширув ҳаракатлари жараёнида ходиса жойини соат 20дан 23га қадар кўздан кечириб, тўппонча, 2 дона магазинида бўлган 15 дона ўқ-дорилар (гилзадан ташқари) ва қон доғларидан суртмаларни далилий ашё тариқасида олиб, суд тиббиёт ва дактолоскапия (мархумни бармоқлари аниқланган) экспертизалари ўтказиб, хулосаларини иш ҳужжатларига қўшиб, мархумни оила аъзолари, қўшилари, ҳамқасиблари ва банк ходимларидан батафсил тушунтиришлар, тавсифномалар олиб, жабрланувчи фуқаролардан қарз бўлганлиги

аниқланганлиги боис, жиноят ишини кўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг ?

62. Терговчи ЖКнинг 97-моддаси билан гумон қилинувчини сўроқ қилиш жараёнига таёрганлик кўрмай, видео-камерадан фойдаланмай, кўргазмасини сўроқ баённомага киритиб, йўналтирувчи саволлар бериб, жиноятни фош этишга омил бўлувчи берган кўргазмасини савол-жавоб билан мустахкамламай тергов ҳаракатини якунлаган.

Ушбу ҳолатда терговчи яна қандай камчиликларга йўл қўйган?

63. Терговчи кундуз кунни шахси номаълум гумонланувчи жиноят содир этганлиги ҳолатини шоҳиди бўлган гувоҳни кўргазмасини ҳраномертаж тартибда сўроқ қилиб, жиноятни фош этишга омил бўлувчи ҳолатларини савол-жавоб билан мустахкамлаб, акс этирилган ва далил бўлиши мумкин бўлган ҳолат ва жойлар, ходиса жойи, мурдани жойлашуви ва жиноят қуролини кўринишини чизмасини ва схемасини чиздириб, имзолатиб тергов ҳаракатини якунлаган.

Терговчи жиноятни фош этиш борасида қандай камчиликларга йўл қўйган?

64. Терговга қадар текширув жараёнида ҳокимият вакили, унга қаршилик кўрсатган шахс ва гувоҳлардан қаршилик кўрсатиш аломатларини аниқлаш юзасидан қайси ҳолатларни савол-жавоб билан аниқлик киритиш ва ҳокимият вакили, унга қаршилик кўрсатган шахслардан ҳамда ҳодиса жойидан қандай далилларни олиш ва қандай экспертизалар ўтказиш лозим.

65. Терговга қадар текширув жараёнида ҳокимият вакили ва унга қаршилик кўрсатган шахсдан олинган тирноқ намуналари, устки кийим ва оёқ кийимлари ҳамда ҳодиса жойидан олинган қонга ўхшаш доғлар ва тугма юзасидан қандай экспертизалар ўтказиш лозим.

66. 2019-йилнинг 10-октабр кунини А.Навоий кўчаси 15-уйда яшовчи фуқаро А. ўз уйида ўлган ҳолда топилди. Тергов гуруҳи воқеа жойини кўздан кечириш орқали жиноят аломатларини аниқламади.

Тергов гуруҳи уйни кўздан кечириш жараёнида синган ёки зўрлик асосида ўз кўринишни ўзгартирган буюмларни топмаган. Шу сабабдан терговчи экспертга уйдаги мавжуд изларнинг барчасини синчиклаб ўрганиб чиқиш ва қолдирилган изларни топиш топширишини берган.

Эксперт уйни кўздан кечириб чиққач бир қанча изларга дуч келган. Хусусан, эшикда, эшик тутқичларида стол уситида фуқаро ётган жой атрофида бирқанча қўл ва оёқ излари, бундан ташқари гиламда ва полда ҳам бир неча шахсга тегишли бўлган оёқ ва поябзал излари борлигини айтган.

Ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг. Криминалистикада изларининг қандай турлари мавжуд ва уларни олиш тартиби қандай? Терговчи бу ҳолатда қандай ҳаракат қилиши лозим?

67. Анвар исмли шахс ўқотар қуролдан етказилган жароҳат туфайли вафот этган. Мурда ёриб кўрилгандан унинг жигар қисмидан нотўғри тўртбурчак шаклдаги, 1,8 га 0,8 ўлчамдаги 1 дона кўрғошин бўлаги топилган. Ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида 2 дона 16 калибрилик гильзалар топилган. Ушбу қотилликни содир этганликда Шавкат исмли шахс гумон қилинган. Шавкат қўлга олинганда, ундан бир дона силлиқ стволли икки отар овчилар милтиғи ва 10 дона патрон олиб қўйилган.

Ҳолатни таҳлил қилинг ва баҳоланг. Ўқ отар қуролини идентификация қилишда қўлланиладиган методларни кўрсатиб беринг.

68. Озиқ-овқат дўконидан ўғрилиқ содир етилди. Жиноятчилар хужалик хонасининг орқа деворидаги иккита тахтани суғуриб олиб унга кирдилар. Дўкон шаҳар атрофи қишлоғининг икки кўчаси кесишган бурчагида жойлашган. Дўконнинг майдони 2х3м ва фақат битта сотувчига мўлжалланган. Тоқчада вино ишлаб чиқарувчи маҳсулотлар билан, бошқаларида еса-товарлар тартиб билан териб қўйилган. Иккита синган вино шишаси полда ётибди.

Шишаларнинг усти билан бўйинлари сақланиб қолган. Хужалик хона тор ва узун, бўш қутилар ва бутилкалар полда тартибсизликда сочилиб ётибди. Бочкалар ва очилмаган яшиқлар деворларга қарама-қарши туради. Ёрдамчи хонанинг деворидаги тахталарни ажратиш жойида бир нечта аниқ босим излари мавжуд. Савдо пештахтасида бармоқ изининг иккита аниқ бармоқ изи топилган.

1. Криминалистикада " из " тушунчасини аниқланг.
2. Трасологик изларни таснифланг.
3. Ушбу ҳолатда изларни тавсифланг.

69. 11.04.99 да воқеа жойини текшириш пайтида. Самарқанд шаҳри, Профсоюзная кўчаси 1- уйда, Макаров т тўппончаси ("ПМ") топилди. Қурол чап томонда ётади, оғиздан жанубий ва шарқий деворларнинг бурчагигача бўлган масофа 2 м 34 см, дераза ойнасининг енг яқин бурчагигача 1 м 22 см.. Тўппончадан 9 мм олтига патронли магазин олиб ташланди. Тўппончада қўл излари топилмади. Қурол "Л 3245" белгили ега. Қурол егаси аниқланмаган:

Ушбу ҳолатда қандай экспертиза ўтқазилади ва ушбу экспертизанинг маъносини нимада?

70. 2021 йил 10 август куни ф. Ризаев Л гиёҳванд моддаларни ноқонуний сотишга уринаётган пайтда қўлга олинди, шахсий текшириш давомида, қуруқ ўз ичига олган икки қоғоз посилкалар, ҳар бир уйдаги ҳамма қаватлар 2,5 г ва жигарранг суюқлик бир shisha оғирлиги яшил сабзавот масалани езиб унинг шим чўнтақларига мусодара қилинди. Юнусобод

тумани ички ишлар бўлими Екоҳаракатида ўтказилган дастлабки тадқиқот натижасида ўсимлик моддаси наркотик дори-марихуана еканлиги аниқланди. Флакондаги суюқлик-бу асетилланган опий гиёҳвандлик препаратининг еритмаси, суюқликдаги қуруқ асетилланган опийнинг массаси 0.1 г. сўроқ пайтида Ризаев Л. дори-дармонларни сақлаш ва сотиш фактини рад етди. Қўлга олинганнинг яшаш жойидаги тинтув натижасида шахсий тинтув пайтида ундан қўлга олинганига ўхшаш ўсимлик моддаси бўлган пакет топилди. Бундан ташқари, ошхонада қидирув давомида қуйидагилар моддалар топилган: ички юзасида қатламли жигарранг моддалар билан бир пиёла; сирка анхидрит бир ўткир ҳиди билан бир суюқ; қайта ишланган кўкнор сомонига ўхшаш ном езилган ўсимлик моддаси бўлган пластик тўрва. Мавжуд тезкор маълумотларга кўра, Л. Ризаев яшаш жойида дори асосий қисми ишлаб чиқаради, лекин у ерда дори катта миқдорда сақламайди. Маълумки, у узоқ вақтдан бери гиёҳванд моддаларни истеъмол қилмоқда.

1. Мазкур жинойт ишига тайинланиши лозим бўлган экспертиза турларини кўрсатинг ва экспертлар олдига қўйилиши зарур бўлган саволларни санаб ўтинг. Экспертизага юборишда қандай саволлар туғилади.

2. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар савдоси соҳасидаги жинойтларнинг криминалистик тавсифини беринг.

71. Режалаштирилган аудитдан бир неча кун олдин Копеечка дўконида ёнғин содир бўлди. Ёнғин металл сақлаш яқинидаги хона ичида жойлашган бўлиб, унда бухгалтерия ҳужжатлари ва куннинг қолган даромадлари сақланган. Текшириш натижасида сақлагичларнинг таркиби куйдириб ёқиб юборилганлиги аниқланди.

- 1) ёнғин сабаблари ҳақида қандай версияларни илгари суриш мумкин?
- 2) дастлабки тергов ҳаракатларининг кетма-кетлиги қандай бўлиши керак?
- 3) ёнғиндан зарарланган ҳужжатларни аниқлаш ва олиб ташлаш техникаси қандай?

72. 2021 йил 5 январь куни соат тахминан тунги 22:00 ларда, эркак жинсли номаълум шахс Тошкент ш. Шайхонтохур т. Нақшбандий кўчасида жойлашган “Маркет” магазини олдидagi автобус бекатида фуқаро Каримова З.га тегишли бўлган умумий қиймати 8 млн сум бўлган тилла зирак ва узукларни пичоқ тираб қўрқитиш йўли билан олиб кўйган. Терговга қадар текширув жараёнида фуқаро Каримова З. ўғри унинг қўшниси Сергеев С.га ўхшашлигини таъкидлаган.

Ушбу ҳолатда терговчи томонидан қандай тергов ҳаракатлари амалга оширилади?

73. 2021 йил 20 август куни соат тахминан 18:30 ларда, Тошкент ш. Юнусобод т. ИИО ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида Азизов А.нинг хонасидан сохта пул банкноталари, ҳамда сохта пул банкноталарини ишлаб чиқаришга мўлжалланган машина



топилган. Азизов А. ҳақиқатдан ҳам сохта пуллар ишлаб чиқаришини тан олган.

Ушбу ҳолатда терговчи томонидан қандай тергов ҳаракатлари амалга оширилади?

74. 2020 йил 21 январ куни соат 15:00 ларда номаълум шахс фуқаро А.ни қасддан ўлдириб, шаҳар чеккасидаги ариқ ёқасига ташлаб, ҳодиса жойидан яширинган. Ҳодиса жойини ва фуқаро А. нинг уйини кўздан кечириш натижасида жиноятчининг шахсини аниқлашга қаратилган бирор бир далил топилмади. Уйнинг том қисми (чердак) текширилмай қолиб кетганлиги маълум бўлгач, прокурор ҳодиса жойини кўздан кечириш малакали ўтказилмаганлигини таъкидлаган. Шу вазиятда шаҳар чеккасида фуқаро А. га тегишли омборхона борлиги аниқланди.

Ушбу вазиятда прокурорнинг кейинг ҳаракатларини таҳлил қилинг! Ҳодиса жойини кўздан кечириш турлари ҳақида мулоҳаза юритинг!

75. 2020 йил, 2 январ куни соат 16:00 да Ангрен шаҳар, Аҳмад Дониш кўчасида шахси номаълум мурда топилганлиги ҳақида хабар вилоят прокуратурасига келиб тушган. Кўздан кечириш натижасида ҳодиса содир бўлган жойнинг маркази аниқланмади. Натижада жабрланувчининг шахсини аниқлаш имкони бўлмапти. Айни шу мурда топилган жойдан 3 км ғарбий томондан мурда танасининг бир қисми ва мурдага тегишли кийим-бош қолдиқлари топилган. Мурдага тегишли айрим нарсалар эса яна бошқа жойлардан топилган. Ҳодиса жойини кўздан кечиришни бошлаш масаласи мураккаблашди.

Ушбу вазиятда ҳодиса содир бўлган жой қандай тартибда кўздан кечирилишини баён қилинг. Кўздан кечириш усулларини ушбу вазиятга нисбатини баҳоланг!

76. Қашқадарё вилояти, Қамаш туманидаги “Барака” қишлоғи 28-хонадонда яшовчи Ш.лар оиласининг 2 аъзоси ўлдирилиб, ёқиб юборилган. Терговчи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати давомида олинган барча далилий ашёлар алоҳида-алоҳида пакетга солиниб, улар процесс иштирокчилари томонидан имзоланиб, муҳрланди. Шунингдек, кўздан кечириш тергов ҳаракати давомида амалга оширилаётган барча ҳаракатлар ва олинаётган далиллар юзасидан тергов ҳаракати иштирокчиларига тушунтиришлар берилди ва баённома тузилиб, терговчи, 2 нафар холис шахс, суд-тиббий эксперти томонидан имзоланди.

Ҳодиса жойи муҳрланиб, кўздан кечириш тергов ҳаракати яқунланди.

Ушбу вазиятда терговчининг ҳаракатларини таҳлил қилинг! Ундаги хато ва камчиликларни аниқлаб муҳокама қилинг! Терговчи қандай камчиликларга йўл қўйган?

77. Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, “Капақўчқор” маҳалласидаги рақамсиз уйда яшовчи фуқаро А. 2020 йилнинг 12 январь куни соат 10 ларда

уйидан чиқиб бедарак йўқолганлиги ҳақида ариза 13 январь куни соат 15:00 да туман прокуратурасига келиб тушди. Терговчи керакли тахминларни ишлаб чиқиб, ҳодиса жойини соат 19:00 да кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишга киришди. Бироқ соат 20:30да худудда электр таъминоти узулиши оқибатида кўздан кечириш охирига етказилмай қолди.

Ушбу вазиятда терговчи томонидан қандай ҳаракатлар амалга оширилиши лозим?

78. 2018 йил 22 август куни Тошкент тумани ИИБсига фуқаро А. оқаси Б. жорий йилнинг 15 август куни соат 15ларда уйидан чиқиб кетиб бедарак йўқолганлиги кўрсатиб, уни қидириб топишда ёрдам сўраб ариза билан мурожаат қилган. Терговчи бедарак йўқолган шахс тирик деган версия билан терговга қадар текширув ҳаракатларини бошлаб, йўқолган шахснинг уйи ва ишхонасини кўздан кечиришга киришди.

Ушбу тергов ҳаракати давомида терговчи қандай далил ва ҳолатларни аниқлаши ҳақида фикр юритинг!

79. 2021 йил 12 март куни Ички Ишлар Бошқармасига Хамза тумани 2 уй 12 хонадонда ўғирлик содир этганлиги тўғрисида ариза келиб тушган. Ҳодиса содир бўлган жойга чиққан терговчи Хамза тумани 2 уй 12 хонадондан иккита гилам, видеокамера, 15.000.000 сўм пул ва тилла тақинчоқлар олиб кетилганини аниқлади. Жиноятчи хонадонга кириш эшигини синдириб киргани ва барча хоналар тартибсиз ҳолатга келтирилгани маълум бўлган.

Ушбу ҳолатда терговчи томонидан қандай тезкор-қидирув чоратадбирлари ва тергов ҳаракатларинини ташкил этиши ҳамда ўтказишни криминалистик жиҳатларини баён қилинг.

80. Қотиллик жиноятини содир этишда Т.В гумонланувчи сифатида ушланган ва қўл бармоқ излари олинган.

Гумонланувчи шахсни қўл бармоқ изларини олишни баён қилинг.

Ушбу ҳолатда қандай экспертиза тури тайинланади ва эксперт олдида қандай саволлар қуйилади.

81. 2015 йил 15 август куни Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Яшнабод ҚФЙга тегишли ер майдонида одам жасади топилди. Унинг ёниддан шахсини тасдиқловчи бирон бир ҳужжат топилмаган.

1. Мазкур ҳолатга криминалистик жиҳатдан баҳо беринг.

2. Ушбу ҳолатда қандай турдаги тергов ҳаракатларини ўтказиш ва қандай экспертизани тайинлаш мақсадга мувофиқ?

82. 2020 йил 2 август куни тахминан эрталабки соат 6:00 ларда, Андижон вилояти Шаҳрихон тумани худудидан ўтадиган 20 кмлик Андижон-Тошкент М-34 автойўлининг четиди юзи таниб бўлмайдиган даражага келтирилган аёл мурдаси топилди. Мурдани кўздан кечириш

жараёнида қуйидагилар аниқланган: бош қисмида жароҳатлар мавжудлигига қарамадан мурданинг ўзида ва атрофида қон излари мавжуд эмас, мурда оёқлари букланган ҳолатда ётибти, атрофида бир қатор оёқ излари бўлиб, улар мурдани топиб олган шахсларга тегишли, шунингдек мурдадан 100 м нарида ўралган, қонга ўхшаш доғлари бор қўлбола тўқилган гилам ҳамда йўл томонга қаратилган кўринар-кўринмас оёқ излари топилган. Мурдани кўздан кечиришда унинг шахсини аниқлашни имкони бўлмаган.

Тергов версияси тушунчаси ва турлари ҳақида маълумот беринг. Ушбу ҳолатда қандай турдаги экспертизалар тайинлаш мумкин.

83. 2020 йил 13 август куни тахминан соат кундузги 12:00 ларда фуқаро Зафаров З. ўзининг Фарғона шаҳри Марғилон кўчасида жойлашган 59-уй деразасидан собиқ турмуш ўртоғи Зафарова К.га стволи кесилган ов милтиғидан ўқ узиб уни яралаган. Терговчи буни Зафарованинг ҳаётига суюқасд деб баҳолаган. Зафаров З.нинг айтишича, у ҳеч кимни ўлдирмоқчи бўлмаган, шунчаки нишонга олмай ўқ узган.

Суд-баллистика экспертизаси икониётлари ҳақида маълумот беринг.

84. Фуқаро Бакоев Р. ойлик маошга оид ҳужжатга рўйхатга олиш рақамини киритаётиб унинг сохталаштирди. Тергов жараёнида, гумонланувчи Бакоев Р. ҳужжатларни сохталаштирмаганини, ҳужжат тузулаётган пайтда барча реквизитлар мавжуд бўлганлигини таъкидлади.

Ҳужжатларни криминалистик техник текшируви бўйича маълумот беринг?

85. 2020 йил 25 апрель куни эрталабки соат 08:00 ларда Тошкент ш. Юнусобод т. 12-мавзе 13-уй 23-хонадонда фуқаро Азимов А.нинг мурдаси топилган. Ходиса жойини кўздан кечириш жараёнида мурда ўз ётоқхонасида ётган ҳолда бўлгани, унда зўрлик излари мавжуд эмаслиги, кровати ёнидаги столида хат топилгани аниқланган. Хатда Азимов А. ўз жонига суюқасд қилганини ёзиб қолдирган. Суд-тиббий экспертиза хулосасига биноан фуқаро Азимов А.нинг ўлимига қони ва ошқозонидан топилган захарли моддалар сабаб бўлган.

Ушбу ҳолатда қандай экспертизалар тайинлаш лозим?

86. 2020 йил 14 август куни Чилонзор тумани ИИБга фуқаро Пулатов Ф. мурожаат этиб, у 2020 йилнинг 25 март кунидан 15 август кунига қадар карантин бўлиб қолганлиги сабабли Фарғона вилоятида ўз онасининг уйида оиласи билан яшаганини, ва уйига қайтгач эса уйининг эшиклари бузуклигини, уйдан умумий қиймати 47.000.000 сўм бўлган аёлининг тақинчоқлари ва бир нечта бошқа буюмлар олиб кетилганини, уйи ёйилиб ётганини айтиб шикоят аризаси берган.

Ушбу ҳолатда терговчи томонидан қандай тергов ҳаракатлари амалга оширилади?

87. Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Ахмад Дониш кўчаси 45-уй орқа томонида жойлашган Кушхонада мол гўштлари орасида инсонга тегишли деб тахмин қилинган гўшт қисмлари топилди. Кушхона кўздан кечирилганда у ерда бир неча инсон бармоқлари ва соч толалари, бошқа биологик объектлар борлиги аниқланди.

Хона терговчилар томонидан кўздан кечирилганда биологик материаллар полиэтиленовый пакетлар, қоғоз пакетларга солинди. Қон намуналари оқиб кетмаслиги учун полиэтиленовый пакетларга солинди. Қон намуналардан айрим суртмалар олиниб тезроқ қуриши учун қуёшда қуритилди. Соч толалари эса шиша банкаларига олиниб бутунлигини сақлашга ҳаракат қилинди.

1. Ҳолат юзасидан одам ДНКси суд-биологик экспертизасида қандай масалалар ҳал этилади?

2. Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси учун тақдим этиладиган ашёвий далилларни олиш, жўнатиш ва расмийлаштириш қоидалари.

88. “Люкс”ни МЧЖ директори фуқаро Саидов А. Тошкент вилояти ички ишлар органларига товламачилик тўғрисида ариза билан мурожаат қилди, унга кўра, жорий йилнинг апрел ойида унинг офисига уч нафар нотаниш йигит келиб, ўзларини Чирчиқ гуруҳи аъзолари деб таништирди ва “Люкс” МЧЖ хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз хизматларини таклиф етди, улар учун МЧЖ олган маблағнинг 10 фоизи миқдорида тўлов белгиланди. Саидов бу таклифни рад етди. Кейин қурол билан таҳдид қилган бегоналар Мчжнинг ишлаб чиқариш бинолари ва омборларини ёқиб юборишлари ёки портлатишлари, офис мебеллари ва компьютерларини тарк етишлари ҳақида айтишди.

1. Ушбу тергов вазиятида қандай ҳолатлар исботланиши керак.

2. Жабрланувчини сўроқ қилиш режасини тузинг

89. Зиеев ва Расулов йил давомида Қарши шаҳри аҳолисига қарашли автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари ва қисмларини бир неча ўғирликка солдилар .Бу жиноятларни содир етишда Зиеев ва Расулов ўғирлик жойига бориш, автоген қурилмани у ерга етказиш ва ўғирланган эҳтиёт қисмларини ташиш учун машиналаридан фойдаланишган.

1) ашёвий далил сифатида ишга қандай ашёлар бириктирилиши мумкин?

2) жиноят ишини ҳал қилишда ашёвий далилларга нисбатан қандай чоралар кўриш мумкин?

90. Фуқаро Тожиева Зилола фуқаро Машарипов Акмалнинг ишончига кириб, унинг икки хонали квартирасини алмаштириш учун мақбул вариант топиб беришни ваъда қилиб, алдов йўли билан ундан 10 000 АҚШ долларини олади. Тергов жараёнида А.Машарипов терговчига Тожиевадан олинган 17-шакл, квартирага ордер, барча коммунал тўловлар бўйича тўловлардан кўчирма тақдим этилганларнинг ҳақиқийлигига шубҳа уйғотган.

1) Ушбу ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини текшириш учун терговчига қандай турдаги текширувлар берилиши керак?

2) ҳужжатларда имзоларни қиёсий ўрганиш учун намуналар қандай олинади?

91. “Адолат” адвокатлик бюросида адвокатлик фаолияти билан шуғуланувчи Қосимовга нисбатан ўз фаолиятида адвокатурага оид қонун ҳужжатларини бузилишига йўл қўйгани учун ҳудудий адлия бошқармаси дастлаб қонунбузилишни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритган эди. Кўрсатмада белгиланган қонунбузилишлар бюро томонидан бартараф этилмади, бунинг натижасида кўрсатмани киритган орган томонидан малака комиссиясига мурожаат қилинди. Малака комиссияси адвокатлик бюроси адвокати Қосимовга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида жарима жазо чораси қўллади.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Адвокатнинг жавобгарлик масалалари ҳақида нималарни биласиз? Ваколатли органлар томонидан юқоридаги ҳолатда қандай қонуний чоралар қўрилиши мумкин?

92. Адвокат Қўшоқов, ўзининг ҳимояси остидаги даъвогар шахсни ҳимоя қилиш мақсадида судга даъвогар томонидан тақдим этилган судда вакил бўлиб иштирок этиш бўйича ишончномани тақдим этади. Бироқ, у бирор бир адвокатлик тузилмасининг аъзоси эканлиги ёхуд вакиллик ҳуқуқини берувчи ордернинг йўқлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот тақдим этмади. Суд Қўшоқовнинг манфаати учун қарор чиқариб берди. Бироқ, мағлуб томоннинг адвокати Самин иқтисодий судининг қарорига нисбатан шикоят келтириб, Қўшоқовнинг ноқонуний равишда вакил бўлиб иштирок этганлигини сабаб қилиб кўрсатади.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Иқтисодий процессида томонлар вакилларининг ҳамда адвокатларининг ваколатлари қандай тартибда расмийлаштирилади?

93. Д. исмли адвокат қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган айбланувчи А.ни ҳимоя қилишга кўрсатма олган. Шартнома имзоланганлиги ҳақида терговчини хабардор қилган ҳолда адвокат тергов ҳибсхонасига ўз ҳимояси остидаги шахс билан учрашиш учун келади. Бироқ, унинг қўлида терговчининг учрашиш ҳақидаги рухсатномаси йўқлиги сабабли, унга учрашиш учун рухсат берилмади.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Ҳимоячи ўз ҳимояси остидаги шахс билан учрашиш учун прокурорнинг, терговчининг ёки суриштирувчининг ёзма рухсатномасини олиши шартми?

94. Фуқаролик ишлари бўйича судда эр-хотиннинг биргаликда яшаган даври мобайнида топилган мол-мулкни ўзаро бўлиш ҳақида низо кўриб

чиқилди. Даъвогар, адвокат билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим тузиш учун ишни кўриб чиқишни вақтинча тўхтатишни сўради. Жавобгар, унда адвокатни ёллаш учун маблағ йўқлигини рўқач қилиб, ишни судда кўришни вақтинча тўхтатишга эътироз билдирди. Судья даъвогарнинг илтимосини рад этди ва буни, даъвогар тарафида адвокат иштирок этиб, жавобгар тарафида иштирок этмаса, судда тарафларнинг тенглиги принципи бузилиши билан асослади.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Ушбу ҳолатда даъвогар қандай хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли?

95. Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан дастлабки тергов юритилаётган мансабдорлик жиноятига оид жиноят иши бўйича “Шош” тикув фабрикасининг собиқ директори А. ишга айбланувчи тариқасида жалб этилган. Айбланувчи ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиши учун ҳудудий адвокатлар палатасига адвокат Б.ни таклиф этишни сўраб илтимоснома билан мурожаат этади. Унинг фикрича, ишда давлат ҳисобидан таъминлаб берилган адвокат В. етарли даражада тажрибали эмас, шу сабабли у ҳимоя функциясини зарур даражада бажара олмади.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

96. Адвокат Махмудов билимли, ақлли ва ишбилармон адвокат сифатида машҳур бўлиб, унга мурожаат этувчилар анча кўп эди. Шаҳарнинг ўзига тўқ, бой ва таниқли инсонлари унга тез-тез мурожаат қилишарди. Бир сафар, катта мансабдор шахсга қарши кўзғатилган жиноят иши бўйича ҳимоячи сифатида иштирок этаётган вақтда, Махмудовда ўзининг шахсий ишлари билан Самарқанд шаҳрига жўнаши зарурати пайдо бўлди. Судья ишни кўриб чиқишни бошқа муддатга қолдириш ҳақидаги илтимосини қаноатлантирмагани сабабли, адвокат бир ҳийла ўйлаб топди. Кўпчилик унинг бошқа соҳада фаолият юритадиган Тешавой исмли укаси борлигидан беҳабар эди. Махмудов укасини суд мажлисида унинг ўрнига иштирок этишини илтимос қилиб, иш бўйича қисқача нимани сўзлашни ўргатди. Суд мажлисида, суд мажлиси котиби, адвокатнинг шахсан таниши сабабли, унинг укасидан шахсини тасдиқловчи ҳужжатни текширмади. Шу билан бирга, жиноят ишини кўриб чиқишда суд томонидан терговда жиноят ва жиноят-процессуал қонун талаблари қўпол равишда бузилгани аниқланди. Натижада адвокат Махмудовнинг укаси ишни ютди, судланувчи оқланди.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Адвокатнинг касб этикаси қоидалари бузилганми?

97. Ангрен тумани ҳокимлигига, фуқаролик ишида фуқаро У. нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилаётган адвокат Н.дан уй-жой қуриш учун ер ажратишга оид низо юзасидан сўров келиб тушди. Сўровда адвокат иш

бўйича жавобгар фуқаро Тошевга ер ажратилиши ҳуқуқий асослари ва зарур ҳужжатлардан нусхаларни тақдим этишни сўрагани. Адвокат сўрови билан бир вақтнинг ўзида ҳокимликка Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг фуқаро Тошевга ер ажратилишига оид маълумотни тақдим этиш юзасидан сўров хати келиб тушди. Ҳокимлик юрисконсулти адвокатнинг сўровини рад этиб, жавоб хатида мазкур маълумотлар ва ҳужжатлар фақатгина тергов ва суд органлари талаби асосида берилишини маълум қилди. Бироқ, Омбудсман сўровига ҳокимликнинг юрисконсулти рад жавобини бермасдан, сўралган барча маълумот ва ҳужжатларни тўлиқ тақдим этди.

Ҳокимлик томонидан фуқаро Тошевга Омбудсман сўрови билан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатлар асосида фуқаролик ишлари бўйича суд иш юзасидан Тошев фойдасига қарор чиқарди ҳамда туман ҳокимининг Якубовга уй-жой қуриш учун ер ажратилиши тўғрисидаги қарорини қонуний деб тан олди. Шу билан бирга, адвокатнинг ҳокимлик мансабдор шахслари хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топиш ҳақидаги илтимосномаси судья томонидан эътиборсиз қолдирилди. Адвокат Н. юқори турувчи суд инстанциясига апелляция шикоятини ёзди ҳамда шикоятда юқоридаги низо бўйича ҳуқуқий нормалар бузилганлигини, шунингдек ҳокимлик юрисконсулти ва судья юридик олийгоҳда бирга таҳсил олганлигини билдириб ўтди.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Адвокатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат? Омбудсман фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишда қандай ҳуқуқлар ва ваколатларга эга?

98. Адвокат А. фуқаро Полвоновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси (пора олиш) бўйича қўзғатилган жиноят ишида унинг ҳимоячиси бўлиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Полвонов адвокатнинг иш бўйича ҳақини (гонорарни) бўлиб тўлашга келишиб олди, биринчи ярми судга қадар, иккинчи ярмини суднинг ҳукми чиқарилганидан сўнг, башарти адвокат иш бўйича имкон қадар энг ижобий натижага эриша олган тақдирда. Гонорарнинг биринчи қисми адвокат А.га ҳимоя қилишга рози бўлганидан сўнг, дарҳол берилди. Шу билан бирга, ҳимоя қилиш учун материал ва ҳужжатларни йиғиш давомида, адвокат, айбланувчи айбсиз эканлигини айтаётган бўлсада, деярли барча далиллар унинг айбини тасдиқлаётганини аниқлаган. Бундан ташқари, аниқланишича, бу Полвоновнинг пора олишда биринчи холати бўлмаган, айрим гувоҳлар, айбланувчи аввалдан порахўр бўлгани ҳақида кўрсатмалар беришган.

Адвокат А. ҳимояси остидаги шахснинг ёлғончилиги, самимий эмаслигини кўриб, унинг ҳимояси бўйича ўз мажбуриятларини тўлақонли адо эта олмаслигига ишонч ҳосил қилди ва уни бу ҳақида хабардор қилди. Айни вақтда, адвокат гонорарнинг аввал олган қисмини қайтаришни рад этди, буни Полвонов иш юзасидан барча ҳақиқатни айтмасдан, уни алдагани билан асосланганди.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Адвокатнинг ҳаракатлари адвокатлик этикаси қоидаларига мувофиқми?

99. Ўғрилик жиноятида айбланаётган фуқаро Жалолов ва унинг адвокати А. жамоат транспортида терговчи ҳузурига жиноят иши материаллари билан танишиш учун кетишаётганди. Жамоат транспортида Жалолов безорилик ҳаракатларини содир этди. Йўловчилар томонидан чақирилган ички ишлар ходимлари Жалоловни ушлаб, ички ишлар органлари навбатчи пунктига олиб кетишди. Шу билан бирга, безорилик содир этиш жараёнида унинг ёнида совуқ қурол (пичоқ) бўлганлиги, қўллари ва оёқлари ёрдамида у жабрланувчиларга ўртача оғирликдаги тан жароҳатларини етказганлиги сабабли, ушбу ҳолат юзасидан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Адвокат А., терговчи ҳузурига чақиртирилиб, сўроқ қилинди. Сўроқ давомида у жамоат транспортида бўлган воқеа юзасидан кўрсатма беришдан бош тортиб, бунга асос сифатида Шукуров ўғрилик жинояти бўйича унинг ҳимояси остидаги шахс эканлиги, шунинг учун у адвокатлик сирини сақлашга ҳақли эканлигини айтиб ўтди. Терговчи бунга жавобан, адвокатни гувоҳ сифатида кўрсатмалар беришдан бош тортганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилганлигини эслатиб ўтди.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Терговчида, жиноят ишида ҳимоячи сифатида иштирок этмаётган адвокатни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш ҳуқуқи мавжудми? Адвокатлар жавобгарлиги доираси очиб беринг.

100. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти, Янгийўл тумани судига иккинчи муддатга судьялик лавозимига тайинланган Азизов, фаолиятининг учинчи йили соғлиғи ёмонлашгани ва оилавий шароити туфайли, ўз ихтиёрига кўра судьялик лавозимидан озод этилди. Тиббий муолажалар натижасида Азизовнинг соғлиғи тикланиб, у ўзининг юридик соҳадаги фаолиятини адвокат сифатида давом эттиришга қарор қилди. Шунга кўра, Азизов тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, Тошкент вилояти адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси ҳузурига малака комиссиясига тақдим этди.

Бироқ, имтихон натижаларига кўра, Азизов малака имтихонини топшира олмаганлиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қабул қилинган қарордан норози бўлган номзод Азизов Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузурига Олий малака комиссиясига шикоят билан мурожаат қилиб, ўзининг меҳнат фаолияти давомида бир неча марта манфаатлари тўқнашган адвокат Камиллов Адвокатлар палатасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузурига малака комиссиясининг раиси эканлиги, Камилловнинг унга нисбатан ички ғарази борлиги, ушбу адоват унинг малака имтихони натижасига салбий таъсир кўрсатган бўлиши



мумкинлигини, имтихон натижаларини бекор қилиб, унинг адвокатлик мақомини олишда амалий ёрдам беришни сўраган.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

101. Адвокат А. айбланувчи Н.га нисбатан юритилаётган жиноят иши юзасидан уни ҳимояси остидаги Н.га нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қонунбузилиш ҳолатлари содир этилганлигини, текширишлар давомида айбланувчи Н.га нисбатан содир этилган жиноятни бўйнига олишни талаб қилиб, жисмоний ва рухий тазйиқ ўтказилганини аниқлади.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

102. Адвокат ва ишонч билдирувчи шахс ўртасида юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома имзолаш жараёнида адвокат ёхуд адвокатлар ҳайъати иштирок этиши ҳолати бўйича низо келиб чиқди.

Ишонч билдирувчи шахс тараф сифатида адвокатлар ҳайъати қатнашсин деб талаб қилди. Сабаби ушбу ҳолатда бир адвокатни бошқаси билан алмаштириш имконияти мавжуд, етказилган зарарни ундиришда ва бу борада юридик хизмат кўрсатишда, юқори малакали ёрдам қафолатли бўлишини айтди. Адвокат эса тараф сифатида адвокатлар ҳайъати эмас, балки ўзи қатнашишини айтди.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузиш тартибини ёритиб беринг.

103. Айбланувчи терговчига ҳимоячи сифатида ўзининг юрист таниши иштирок этишини айтди. Иш олиб бориш жараёнида фақат адвокатлар иштирок этиши мумкинлиги белгиланган. Шунга асосланиб, терговчи рад жавобини берган.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

104. Адвокат Толипов ўзининг ишонч билдирувчисининг солиқ инспекцияси томонидан ҳеч қандай савдо фаолияти билан шуғулланмаган даври текширилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган давр учун қўшимча қиймат солиғи тўламаган деган хато хулосага келиб, уюшмани асоссиз жавобгарликка торганлиги ҳақидаги маълумотларни аниқлаган.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Адвокатнинг ишонч билдирувчисининг қонуний манфаатларини тиклаш бўйича келгусида қандай ҳаракатларни амалга ошириши мумкин?

105. Фермер Бабаев юридик маслаҳат олиш учун мурожаат қилиб, унинг сигир ва хўкизлари келишувга асосан бошқа фермер хўжалиги

подасида бўлиб, ўша фермер хўжалиги раисининг айби билан совуқ ва очликдан нобуд бўлди. Фермер Бабаев юридик хизматдан молларини нобуд қилган хўжалик раисидан етказилган моддий зарарни ундириш ҳақида судга даъво аризасини ёзишда амалий ёрдам сўради. Бироқ, адвокат хўжалик раисини жавобгар қилиш учун етарли асослари мавжуд эмаслигини рўқач қилиб, даъво аризасини ёзиб беришдан бош тортди.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Фермерга қандай маслаҳат бериш зарур?

106. Жиноят содир этганликда ушланган гумон қилинаётган А. унга адвокатлик хизматини тақдим этишларини сўради. А.нинг фикрича унга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар асосланмаган айблов қўзғатган, шунинг учун у ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан таъминланиши керак.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Унинг илтимоси қаноатлантирилиши керакми?

107. Дастлабки тергов вақтида айбланувчи Б.нинг адвокат А.ни ҳимоя қилган. Ишни судга юборгандан сўнг, Б. унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўзининг қариндошлари орқали бошқа адвокат ёллашларини сўради, чунки Б. адвокат А. ни ҳимоя қилишини хоҳламаган.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Бошқа адвокат суд мажлисида Б.нинг ҳуқуқларини ўз ҳимоясига олиш ҳуқуқига эгами?

108. Фуқаро Тошев адвокат Эшматовга мурожаат қилиб, қотиллик жиноятида гумон қилинаётган ўғлига нисбатан олиб борилаётган дастлабки тергов ҳаракатлари жараёнида ўғлини ҳимоя қилишни сўраган. Бироқ, адвокат ўзини иқтисодий ишларига ихтисослашганини, қотиллик жинояти бўйича тажрибаси йўқлигини айтиб, шартнома имзолашдан бош тортди.

Саволлар: Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Адвокат томонидан “адвокатнинг ҳимояни қабул қилишни рад этиши тақиқланади” деган қонун нормаси бузилмаганми?

109. Самарқанд шаҳрида жойлашган “Адолат” адвокатлар ҳайъати аъзоси, адвокат Усмонов танишининг илтимосига кўра, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига меросга доир мол-мулкни бўлиш тўғрисида 62 ёшли Сафаеванинг манфаатини кўзлаб даъво аризани киритди. Суд мажлиси белгиланган кунда судья мажлисни очик деб эълон қилиб, томонларнинг келган-келмаганлигини аниқлаш, уларнинг ваколатларини текшириш давомида, адвокатнинг иш жойи Самарқандда эканлигини важ қилиб, Усмоновга иш юритишга ваколатли эмаслигини билдирди ва аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарди. Адвокат бунга қатъий эътироз билдириб, агар иш юритишга ваколоти бўлмаса, бу даъво аризани қабул қилиш жараёнида ҳал қилиниши кераклигини таъкидлади.

Саволлар: Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг. Адвокат қайси ҳолатларда иш юритишга ваколатли деб ҳисобланади?

110. Фуқаро Тешаев 1998 йил 15 майда Москва шаҳрига ишлаш учун кета туриб узоқ қариндоши Халиловни уйига ўзининг уй жиҳозларини қараб туриш учун жойлаштириб кетди. У 5 йилдан кейин, яъни 2003 йил 15 майда қайтиб келиб, уйдаги аксарият мебель, пианино ва бошқа жиҳозларининг йўқ эканлигини кўриб, Халиловдан сўраганида, қариндоши умумий даъво муддати ўтиб кетганлигини айтиб, буюмларни топиб бермади. Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Тешаев адвокатлик бюросига мурожаат қилиб, йўқолган мебеллар, уй ва рўзғор буюмларини Халиловдан суд орқали ундиришда амалий ёрдам беришни сўради.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

111. Тиллаев тунда ўзининг “Жигули” автомашинасида “Мерседес” автомашинасини ёнига тўхтаб, ўғрилиқ қилиш мақсадида турли хил асбоблар ёрдамида машинанинг иккита ғилдиракларини ечиб олди.

Ғилдиракларни “Жигули” автомашинасига юклаётган вақтда Тиллаев ушланди. Тиллаев олдин судланмаган.

Адвокат Холматовга Тиллаев нинг турмуш ўртоғи мурожаат қилиб унинг эрини ҳимоя қилишни зиммасига олишини илтимос қилди. Тиллаевнинг турмуш уртоғи адвокат билан суҳбат вақтида, уларнинг уйда йигирмага яқин турли хил автомашиналарнинг ғилдираклари, ҳамда завод номерига эга бўлган автомашина мотори сақланиши ҳақида маълум қилди. Шунинг билан биргаликда Тиллаева бу нарсаларни қаердан келганини аниқ билмаслигини, лекин уларни эри сотиб олмаганлигини ва уларни бирор кишидан ўғирлаб олган булиши мумкинлиги ҳақида ҳам таъкидлаб ўтди.

Адвокат Холматов Тиллаевни ҳимоя қилишни ўз зиммасига олиб, шунинг билан биргаликда унинг аёлига уйдаги ғилдираклар ва моторни олиб ташлашини тавсия қилди, чунки, агар тинтув вақтида улар топилиб қолса, Тиллаевга айблов бир нечта ўғрилиқ қилганликда айбланиши мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг

112. Адвокат Н. бир неча мартаба Алиевни турли хил айбловлардан ҳимоя қилган. Тасодифан ички ишлар ходимларидан, Алиевнинг хонадонидан тинтув ўтказмоқчиликлари ҳақида ва у уйда қурол ҳамда наркотиклар сақлаётган деган фикр борлигини маълум бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда адвокат билан Алиевни ўртасида иш олиб бориш учун битим мавжуд эмас. Адвокат бу хабар ҳақида Алиевга маълум қилса, тергов ҳаракатларига салбий таъсир кўрсатишини билади.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

113. Ҳафталик журналда, фуқаро К. томонидан тайёрланган мақола чоп этилиб, унда янги психологик ёрдам кўрсатиш методи ҳақида таъкидлаб ўтилган ва ушбу мақолада «расмий илм-фан К.ни бекорчи ва ўқимаган деб ҳисоблайди». К. судга журнал таҳририяти ва матбуот ходими устидан даъво қилиб унинг иш репутациясини ҳимоя қилишини сўраб мурожаат қилди.

Жавобгар манфаатларини ҳимоя қилаётган адвокат, ишнинг ҳақиқий ҳолатини таҳлил қилиб ва нашриётда ҳеч қайси олимнинг К. томонидан тайёрланган психологик ёрдам методини таҳлил қилинмаганлигини аниқлади. Ишни судда кўришга тайёрлаш мобайнида адвокат ўзининг ишонч билдирувчи шахсларга профессор А. ва Б.га мурожаат қилишларини ва улардан нуфузли журналлардан бири К. томонидан тайёрланган янги методни танқид қилиб ёзишларини тавсия қилади.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

114. Адвокат Жамолов жиноят ишида айбланаётган Шарипов билан тузилган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим асосида, Шариповни ҳибсга сақланаётган Каттакўрғон шаҳри ТХ-7 келди. Жамолов назоратчиларга ордер ва адвокатлик гувоҳномасини кўрсатиб, тергов хонасида ўзининг ҳимояси остидаги шахс билан кўришди. Шунинг билан бирга назоратчи хона эшигини очиқ қолдиришини сўраб, ўзи эшик ёнига ўтириб ва уларни кузатиб турди. Адвокатнинг уларни ёлғиз қолдиришини сўраб айтган танбеҳига, назоратчи рад жавобини бериб, буни ички тартиб кўлланмаларида кўрсатилганлиги ҳақида асослантирди. Учрашувдан сўнг, ТХ-7 НЎПдан чиқаётганида назоратчи адвокатлик ордерларини текширишга тақдим қилишини сўради.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

115. “Ҳимоя” адвокатлик фирмаси адвокати Болтаева, номусга тегиш ва қасддан одам ўлдиришда айбланаётган фуқаро Алексеевни ҳимоя қилишга розилик билдирди. Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим имзоланганлиги ҳақида ушбу ишни тергов қилаётган прокуратура терговчисини ҳабардор қилган ҳолда, адвокат тергов ҳибсхонасига ҳимояси остидаги шахс билан учрашиш учун етиб келди. Бироқ, тергов ҳибсхонаси ходимлари адвокатга ҳимояси остидаги шахс лазаретда эканлиги, ҳамда ҳеч ким билан учрашиш ва гаплашиш истагида эмаслигини маълум қилиб, айбланувчи билан учрашиш имконини беришмади.

Адвокат айбланувчи билан кейинроқ учрашишга қарор қилди.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

116. 2014 йил 10 ноябрдаги тузилган ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномага асосан, адвокат Валиев фуқаро Собитовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг мансабдорликка оид жиноятлар бўйича кўзғатилган жиноят ишида унинг ҳимоячиси бўлиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Собитов адвокатнинг иш бўйича ҳақини (гонорарни) бўлиб, яъни биринчи ярми судга қадар, иккинчи ярмини суднинг ҳукми чиқарилганидан сўнг, башарти адвокат иш бўйича имкон қадар энг ижобий натижага эриша олган тақдирда тўлашга келишиб олди. Гонорарнинг биринчи қисми адвокат Валиевга ҳимоя қилишга рози бўлганидан сўнг, дарҳол берилди.

Бироқ, адвокат Валиевнинг номзоди бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига кўйилгани сабабли иш бўйича Валиев етарлича ҳимоя функциясини амалга ошира олмади.

2014 йил 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайловлар натижасига кўра адвокат Валиев Қонунчилик палатасига депутат бўлиб сайланди. Натижада, иш бўйича ҳимоя охирига етказилмай, адвокат ҳимояси остидаги шахснинг ҳимоясидан воз кечди.

Ушбу ҳолат бўйича фуқаро Собитов адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига шикоят билан мурожаат қилди.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

117. Узоқ йиллар давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ишлаган фуқаро Вохидов пенсияга чиққач, адвокатлик бюросини ташкил этиб, жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам бера бошлади. Унинг кўп йиллик тажрибаси ёрдам сўраб келган шахснинг мурожаатини ижобий ҳал этишда кўмаклашар эди. Бундан хурсанд бўлган шахслар Вохидовга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилмаган моддий қийматликлар ҳам ташлаб кетишар эди. Кундан-кунга Вохидовнинг ҳузурига маслаҳатлар сўраб келувчи инсонлар сафи кўпайиб бора бошлади. Олинаётган даромад миқдори ҳам шунга мувофиқ ортиб борди.

Шундай кунларнинг бирида Вохидовнинг уйига солиқ идораси ходими келиб унинг фаолияти даромад олишга қаратилганлиги, унинг тижорий фаолияти натижасида қўлга киритаётган қўшимча даромадларидан давлатга солиқ тўлаши кераклигини маълум қилди. Фуқаро Вохидов солиқ идораси ходимига адвокатура нодавлат нотижорат ташкилоти эканлиги, адвокатурага давлат томонидан солиқ имтиёзлари берилганлиги, гонорарлар фойда олишга қаратилган фаолият натижаси ҳисобланмаслигини айтди.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

118. “Нажот” адвокатлик фирмаси адвокати Баҳромов маст ҳолда, транспорт воситасини бошқариш қоидаларини бузиши натижасида ҳаракат йўналишидан қарама-қарши йўналишда келаётган автомобиль билан

тўқнашув содир этди. Содир этилган тўқнашув натижасида қарама-қарши тарафдан ҳаракатланиб келаётган автомобиль хайдовчиси ва 2 нафар йўловчи оғир жароҳат олиб касалхонага юборилди. Жабрланувчилардан 2 нафари тез ёрдам машинасида вафот этди. Воқеа жойига етиб келган ИИБ ходимлари йўл транспорт ходисасини қайд этишди ва ҳолат юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатларни суриштирув органига тақдим этишди. Экспертиза натижаларига кўра адвокат Бахромовнинг қонида кўп миқдорда гиёҳванд модда мавжудлиги аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув органи томонидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзғатилди ҳамда дастлабки тергов органига юборилди.

Адвокат Бахромов жиноят ишини кўзғатиш процессуал тартиби бузилганидан норози бўлиб, юқори турувчи прокурорга шикоят қилди.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг

119. Фирибгарликда гумон қилинаётган фуқаро Давлатовга нисбатан дастлабки терговда муносиб ҳуққ-атворда бўлиш эҳтиёт чораси қўлланилди. Бир ҳафтадан сўнг терговчи Давлатовни айбланувчи тариқасида ишга жалб этишга қарор қилди. Бу ҳақида Давлатовга хабар қилинганда, у айб эълон қилиш ва сўроқ қилиш жараёнида таниш адвокати Болтаев ҳам иштирок этишини талаб қилди. Терговчи, адвокатлар ҳайъатига қўнғироқ қилиб, Болтаев хизмат сафарида эканлиги ва ишда тўрт кундан кейин иштирок этиши мумкинлигини аниқлади.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

120. Турмуш ўртоғини қасдан ўлдиришда айбланаётган Тешаев, дастлабки тергов давомида кучли депрессия ҳолатига тушиб, турмуш ўртоғини ўлимида ўзини айбдор ҳис қилди ва ўзи содир этмаган жиноят бўйича айбни бўйнига олган.

“Имкон” адвокатлик бюроси адвокати Болтаев мазкур жиноят иши бўйича ҳимоячи этиб тайинланди. У ҳимояси остидаги шахс билан учрашув вақтида, ҳимоя йўналишини белгилаб олганини билдириб, улар биргаликда ҳаракат қилса, оқлов ҳукмига эришиш мумкинлигини айтди. Аммо, айбланувчи кучли жазава ҳолатида ҳимоячидан воз кечди.

Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.